БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 6 (497)
8 ЯНВАРЬ ЯКШАНБА 1956 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов ва Ҳиндистон Президенти Ражендра Прасад бир-бирларига мактуб юбордилар (1-нчи бет).

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганинга Судан Бош Министрининг телеграммаси (1-нчи бет).

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловга Раис Бобокир Авадалланинг телеграммаси (1-нчи бет).

СССР Фанлар академияси ва Узбекистон ССР Фанлар академияси президиумларининг қўшма мажлиси (1-нчи бет).

Янги йилнинг биринчи ҳафтасида (1-нчи бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **Ҳ. Абдусаматов.** — Колхоз партия ташкилоти мўл ҳосил учун курашда (2-нчи бет).

ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ УЧУН: **П. Камиев.** — Детальларга ишлов беришнинг комплекс технологияси (2-нчи бет).

Ўқитучиларнинг январь кенгашлари (2-нчи бет).

КПСС МК ва СССР Министрлар Советига ёзилган Мактуб асосида қишлоқ хўжалигини ҳартарафлама ривожлантириш учун курашайлик! (3-нчи бет).

К. Нурматов. — Янги суғориш системасида чигитни квадрат-уялаб экиш масалаларига доир (3-нчи бет).

Совет делегациясининг Германия Демократик республикасида бўлиши (4-нчи бет).

Саноат корхоналарининг йил бошидан бир ме'ёрда ишлашига эришайлик

Бешинчи бешйилликнинг охирги ва якунловчи йили бўлган 1955 йил тугади. Утган йил улуғ мамлакатимиз халқларининг коммунизм жамияти қурилиши учун кураш тарихи саҳифаларидан алоҳида, ўзига хос салмоқли ўрин эгаллайди. 1955 йил — мамлакатимиз халқ хўжалигининг барча тормоқларини янада юксалтиришнинг, она-Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлашнинг, совет халқи фаровонлигини янада оширишнинг асослари бўлган оғир индустрияни устун даражада ривожлантириш ва юксалтириш йили бўлди. Жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати атрофига маҳкам жипслашган ижодкор совет халқи янги — 1956 йилга ўзининг сиёсий активлиги ва меҳнат соҳасидаги ғайрати ҳарқачонгидан ҳам ошган бир ҳолда, улуғ мақсад йўлида янгидан-янги ғалабаларни қўлга киритишга қат'ий ишонган ҳолда қадам қўйди.

Бепоён она-Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари бир бирқаторда областимиз меҳнаткашлари ҳам ўтган йилда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида катта ютуқларни қўлга киритдилар. Саноат, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг кўпмингли армияси КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг тарихий қарорларини изчиллик блан амалга ошираборъб, дастлабки муваффақиятларни қўлга киритди. Бешинчи бешйиллик программаси ҳамда 1955 йил топшириғи муддатидан илгари бажарилди ва пландан ташқари юз мингларча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шунингдек, область қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари ҳам 1955 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳамма турлари бўйича давлат планини ошириб бажардилар.

Шубҳасиз, қўлга киритган ютуқларимиз катта. Броқ, Коммунистик партия эришилган ютуқлар блан мағрурланиб кетмаслик, хотиржамликка берилмаслик, балки янада янги куч ва янги ғайрат блан ишлаб, ана шу муваффақиятларни янги ғалабалар блан мустаҳкамлаш зарур деб та'лим беради. Ютуқлар олдида эсанкирамаслик керак, аксинча, бутун чоралар блан уни янада кўпайтиришни та'минлаш лозим.

Партия ва ҳукумат саноатимизни энг янги ва илғор техника блан тобора кўп та'минламоқдалар. Муҳим вазифа — ана шу бор техникадан имкони борича тўла фойдаланишдан иборат. Шуни алоҳида та'кидлаб ўтиш керакки, область саноати ўтган йили маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан берилган давлат планини бажарган бўлса ҳам, лекин ҳали бирқатор корхоналарда маҳсулотнинг номенклатура ва ассортименти бўйича берилган топшириқлар бажарилмаётир. Шунинг оқибатида мамлакат кўпгина зарур маҳсулотларни белгиланганидан анча кам олмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларида кўрсатиб ўтилганидек, бутун ой мобайнида маҳсулотни бир ме'ёрда ишлаб чиқармаслик — кўпгина корхоналарнинг ишидаги жиддий камчиликдир. Бунинг натижасида мазкур корхоналар мунтазам ишламаётирлар, уларнинг ишлабчиқариш қувватидан тўла фойдаланилмаётир, брак кўпаймоқда ва тайёрланилаётган маҳсулотнинг таннархи белгиланганидан ортиб кетмоқда. Бундай жиддий камчиликларнинг юз беришига сабаб шундаки, корхоналарнинг хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари корхонанинг бир ме'ёрда ишлашини йўлга қўйиш, материал-техника та'минотини яхшилаш ва ишлабчиқаришни ушоқлаш ҳамда планлаштиришни намунали ташкил қилишга жиддий э'тибор бермаётирлар.

Масалан, Чирчиқ шаҳридаги қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводини олиб кўрайлик. Корхонада ишлабчиқаришни пухта ташкил этиш, ҳарбир цех, ҳарбир участканинг график асосида ишлаши та'мин этилмаганлиги туфайли, меҳнат унумдорлигини ошириш ва шу асосда маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайтириш, унинг таннархини камайтиришга имкон беручи жуда катта резервлардан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Одатда ойнинг бошларида иш сур'ати ойнинг охирги кунларига нисбатан жуда суст бўлади. Ойнинг биринчи ўнкунлигида кўпинча асбоб-ускуналардан фойдаланилмайди, ишчи кучининг бекор туриб қолиш фактлари рўй беради, натижада, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори бундан олдинги ойнинг охирги ўнкунлигига нисбатан кескин камайиб кетади. Ойнинг ўрталарига борганда эса, берилган вақтнинг ўрнини тўлдириш мақсадида штурм блан ишлашга ўтилади. Бу эса ўз навбатида маҳсулотнинг сифатига ва таннархига жуда катта салбий та'сир кўрсатаётир. Агарда заводнинг ўтган йили энг яхши натижаларга эришган ноябрь ойидаги кўрсаткичлари анализ қилинса, учинчи ўнкунликда ойлик планнинг 78 процент миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилганлигини кўрамиз. Ойнинг учинчи ўнкунлигида биринчи ўнкунликка нисбатан уч баравардан ҳам кўпроқ маҳсулот тайёрланган, бошқачароқ қилиб айтганда, биринчи ўнкунликда учинчи ўнкунликка нисбатан 3 ҳисса кам сур'ат блан ишланган. Худди шундай аҳволни «Узбексельмаш», 1-нчи «Ташхлопкомаш», «Средазхиммаш» заводлари ва бошқа корхоналарда ҳам кўриш мумкин. 1-нчи «Ташхлопкомаш» заводида ойлик планнинг ярмидан кўп миқдорини ойнинг учинчи ўнкунлигида ишлаб чиқариш одат тусига кириб қолган.

Штурмчилик — хўжаликни социалистик методда бошқаришга бутунлай ёт ва бегона нарсадир. У, халқ хўжалигимизга катта зарар келтиради, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини камайтиришга тўсқинлик қилади. Корхоналарда жамоат бойлигини кўпайтиришга хизмат қилучи барча резервларни қидириб топиш, чунончи: ҳарбир завод, ҳарбир фабриканинг бир ме'ёрда ишлашини та'минлаш, маҳсулотни планга мувофиқ биртекис ишлаб чиқариш, барча цех ва участкаларни материал-техника блан узлуксиз та'минлаш, ишлабчиқаришни пухта планлаштириш ҳамда ташкил қилиш ишларини ҳозирги янги талаблар даражасига кўтариш — маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Шунга эришмоқ керакки, бизнинг корхоналаримиз ҳартарафлама аниқ ва пухта ишласинлар, ҳарбир бригада, ҳарбир смена ва алоҳида кишиларгача йил бошиданоқ давлат планларини ҳамма кўрсаткичлари бўйича тўла ва ошириб бажарсинлар. 1956 йилда қўлга киритадиган ютуқларимиз кўп жиҳатдан бугун кандай ишлаётганлигимизга боғлиқдир. Чунки эртаги кунинг галабасига бугун замин ҳозирланади.

Саноат корхоналарида, транспорт ва қурилишларда шонли Коммунистик партия XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёйиб, қудратли кучга айланмоқда. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари омманинг булоқдай қайнаб тошаётган ижодий активлигига бошчилик қилишлари, унинг ташаббусини социалистик саноатимиздаги яшириниб ётган битмас-туганмас ички резервлардан тўла ҳамда унумли фойдаланишга ва шу асосда давлат планларининг ошириб бажарилишини та'минлашга сафарбар қилишлари лозим.

Ҳеч шубҳа йўкки, 1956 йил — олтинчи бешйиллиқнинг биринчи йили — мамлакатимиз халқлари тарихига халқ хўжалигини янада зўр бериб юксалтириш йили, саноат корхоналари коллективларининг КПСС Марказий Комитети июль Пленуми тарихий қарорларини қат'ийлик блан амалга ошириш йили. Коммунистик партия раҳбарлиқ қилаётган совет халқининг коммунизм жамияти томон яна бир катта қадам ташлаш йили бўлиб киради.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов ва Ҳиндистон Президенти Ражендра Прасад бир-бирларига мактуб юбордилар

СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Булганин ва СССР Олий Совети Президиумининг А'зоси ўртоқ Н. С. Хрушчев Ҳиндистонда бўлган вақтларида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. Е. Ворошиловнинг табрик мактубини Ҳиндистон Президенти Р. Прасаддга топширган эдилар.

Ҳиндистон Президенти Р. Прасаддан СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. Е. Ворошилов номига жавоб мактуби олинди.

Қуйида мактубларнинг текстлари босилади.

Ҳиндистон Республикасининг Президенти доктор Ражендра Прасад Жаноб Олийларига

Жаноб Олийлари!

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиумининг А'зоси Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонда бўлиши каби ғоят қулай фурсатдан фойдаланиб, Сиз Президент жаноблариға, ва бутун улуғ ҳинд халқига Совет Иттифоқи халқлари номидан, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми номидан ва шахсан ўз номимдан энг самимий табрикларимизни ва энг яхши истакларимизни топширишни истайман.

Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқаро тинчликни сақлашдан, халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдан астойдил манфаатдордир. Мен шу нарсани та'кидлаш блан бахтиёрманки, ҳар иккала мамлакатимиз ўртасидаги дўстона, самимий муносабатлар ва ҳамкорлик тобора кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Жумладан, Ҳиндистон Бош Министри Неру жаноблариниг яқинда Совет Иттифоқига қилган визити бунга кўп жиҳатдан ёрдам берди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми Сиз Жаноб Олийларини — улуғ тинчликсевар давлат Ҳиндистон Республикасининг бошлигини табриклайди. Совет халқи умумий тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишида, Ҳиндистон блан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ишида Сизнинг шахсан ўйнаётган ролингизни ғоят қадрлайди.

Президент жаноблари, Н. А. Булганин блан Н. С. Хрушчевнинг Сизнинг мамлакатингизга қилган сафари мамлакатларимиз халқларининг бахт-саодати йўлида, бутун дун'ёда буюк олий жаноб тинчлик ишн йўлида Ҳиндистон блан Совет Иттифоқи ўртасида мавжуд бўлган ва бахт бағишлаётган самимий дўстлик ва ҳамкорликни янада кўпроқ мустаҳкамлайди, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиуми Раиси.

Москва, Кремль, 1955 йил 16 ноябрь.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Маршал К. Ворошилов Жаноб Олийларига

МОСКВА

Жаноб Олийлари,

Мен Совет Иттифоқи халқининг Ҳиндистон халқига энг яхши тилаклари изҳор қилинган мактубни олиш блан бахтиёрман. Булганин жаноблари ва Хрушчев жаноблариниг визити муносабати блан Сиз бу мактубни менга ғоят зўр илтифот блан юборибсиз.

Мен Ҳиндистон блан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатларнинг ривожланишини ғоят иштиёқ блан кузатиб турибман. Сиз Жаноб Олийлари та'кидлаб айтганингиздек бу дўстлик Бош Министр Нерунинг ўтган ёз фаслида Совет Иттифоқига қилган визити блан мустаҳкамланди. Совет раҳбарларининг Ҳиндистонга қилган визити бу дўстликни янада ривожлантиришга ёрдам берганлигини билиш блан бахтиёр бўласиз. Совет раҳбарлари борган ҳамма жойда халқ оммаси уларни зўр шодлик блан табриклади. Мен шу нарсадан хурсандманки, бизнинг халқимиз Совет Иттифоқи халқига нисбатан бўлган ҳурмати ва муҳаббатини ана шу тарзда намойиш қилиб кўрсатиш имкониятига эга бўлди.

Сизнинг ўз мамлакатингизнинг мудофаси ва уни тараққий этдириш соҳасидаги хизматларингиз Ҳиндистонда ма'лумдир. Мен Сизнинг тинчликни ва барча мамлакатлар ўртасида яхши ниятни мустаҳкамлаш тўғрисида қилаётган ғамхўрлигингиздан ҳам хабардорман. Мен мамлакатларимиз ўртасида кучайиб бораётган дўстлик ва ҳамкорлик умумий тинчлик ишига хизмат қилажагига шубҳа қилмайман.

РАЖЕНДРА ПРАСАД
Ҳиндистон Президенти.

Раштрапати Бхаван
Нью-Деҳли
1955 йил 5 декабрь.

ТЕЛЕГРАММА

СССР Министрлар Советининг Раиси Жаноб Олийларига

МОСКВА

Сиз Жаноб Олийларининг самимий табриклари учун ташаккур изҳор қиламан, суверен Судан Республикасини тантанали суратда таниганингиздан ғоят мамнун эканлигимни билдираман ҳамда дипломатия, консуллик ва савдо муносабатлари ўрнатишга тайёр эканлигингизни табриклайман. Мен ҳам шундай муносабатлар ўрнатишга тайёрман.

Судан тинчликни сақлаш ва дун'ёдаги ҳамма халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантириш ишига ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга бўлишни умид қилади.

Совет халқига бахт-саодат ва прогресс тилашга ҳамда Сиз Жаноб Олийларига самимий иззат-ҳурматимни изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Судан Бош Министри.

Хартум шаҳри.

ТЕЛЕГРАММА

СССР Олий Совети Президиуми Раисига

Москва, Кремль.

Судан мустақиллиги э'лон қилинганлиги муносабати блан юборган самимий табрик мактубингиз учун, Судан Вакиллар палатаси номидан энг самимий ташаккур ва жўшқин туйғуларимизни изҳор қилишни истардим.

Раис БОБОКИР АВАДАЛЛА.

Хартум шаҳри.

ТЕЛЕГРАММА

СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси ВОЛКОВГА

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Раиси ЛАЦИСГА

Москва, Кремль.

Сизларнинг Суданга ва унинг халқига юборган табрикларингиз ва самимий истакларингиз бизда кучли таассурот қолдирди. Биз дун'ёдаги барча мамлакатлар ва халқлар блан дўстона муносабатларда бўлишни истаймиз. Ана шу дўстона муносабатлар янги вазифаларимизни бажаришда бизга ёрдам берсин. Сизларга, СССР Олий Совети ва бутун халққа бахт-саодат ҳамда муваффақиятлар тилайман.

АҲМАД МУҲАММАД ЯСИН,
Сенатнинг собиқ раиси.

Хартум шаҳри.

Латвия ССР Олий Советининг иккинчи сессияси

РИГА, 5 январь. (ТАСС). Бугун бу ерда Латвия ССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини тамомлади. Сессия икки кун давом этди.

Латвия ССРнинг 1956 йилги давлат бюджети тўғрисида республиканинг молия министри депутат Ф. Н. Манойло доклад қилди. У қайд қилиб ўтдики, Латвия ССРнинг 1955 йилги бюджетидаги маблағларнинг асосий қисми халқ хўжалигини ва социал-маданий тадбирларни маблағ блан та'минлашга сарфланди. Бу мақсадларга қилинган харажатлар бюджетдаги ҳамма маблағларнинг 87,8 процентини ташкил этди. Бу йил ҳам Латвия ССРнинг давлат бюджети саноат, қишлоқ хўжалиги, маданиятнинг ҳамма тармоқларини янада ривожлантиришни маблағ блан та'минлайди. 1956 йилда социал-маданий тадбирларга қилинадиган харажатлар 1955 йилдагига нисбатан деярли 87 миллион сўм кўпайтирилди.

Доклад юзасидан бўлган музокараларда 20 депутат сўзга чиқди. Улар республиканинг бюджетини қизғин ма'қулладилар. Сессия Латвия ССРнинг 1956 йилги давлат бюджети тўғрисида қонун қабул қилди. Бюджет даромадлар бўйича 1.897.382 минг сўм, харажатлар бўйича 1.865.554 минг сўм миқдорида тасдиқланди.

Латвия ССР Олий Совети Президиумининг биринчи ва иккинчи сессиялар ўртасидаги даврда қабул қилган фармонлари ҳам тасдиқланди.

Молдавия ССР Олий Советининг сессиясини чақириш ҳақида

КИШИНЁВ, 6 январь. (ТАСС). Бугун республика газеталарида Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг республика тўртинчи чақириқ Олий Советининг иккинчи сессиясини чақириш тўғрисидаги фармони э'лон қилинди. Сессия 1956 йил 30 январьда Кишинёвда бўлади.

СССР Фанлар академияси ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумларининг қўшма мажлиси

6 январьда СССР Фанлар академияси президиуми блан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг қўшма мажлиси бўлди. Бу мажлисда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий фаолиятнинг аҳволи ва бу фаолиятни янада кучайтиришнинг асосий йўллари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон олимлари томонидан пахтачиликнинг илмий асослари соҳасида жуда муҳим ишлар бажарилди, Ўзбекистон ССР территорияси агромелиоратив жиҳатдан районлаштирилди, Ўзбекистон ССР территорияси тупроғининг классификацияси тузилди. Ғўза химияси, ўғитлар химияси соҳасидаги ва пахта зараркунандаларига қарши кураш воситаларини қидириб топиш соҳасидаги комплекс текшириш ишлари анча олдирилмоқда. Республикадаги ишлаб чиқаручи кучлар комплекс асосда ўрганилмоқда. Химия фанлари соҳасида, жумладан, алкалоидларни ўрганиш соҳасида муҳим натижаларга эришилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси кейинги йилларда 60 дан ортиқ тугалланган илмий ишларни, шу жумладан цемент технологияси, мураккаб ўғитлар тайёрлаш, ғўзани баргидан озиқлантириш, республикадаги минерал ҳомаш'ё ресурсларидан фойдаланиш, сув чиқарилган вақтда дар'ёларнинг оқишини тартибга солиш, конструкцияларнинг ер қимирлашига чидамли бўлишини та'минлаш, янги селен випрямительларини вужудга келтириш соҳасидаги илмий ишларни халқ хўжалигига жорий қилиш учун топширди. Проект ташкилотлари Фарғона водисининг ишлаб чиқаручи кучларини комплекс ривожлантиришга доир тадқиқот материалларидан фойдаландилар.

Гуманитар фанлар соҳасида республиканинг конкрет экономикасига доир бирқанча масалалар ишлаб чиқилди, олимларнинг таклифлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан қабул қилинди. Беш томлик русча-ўзбекча лугат тузилиб бўлди. Абу Али ибн Синонинг «Алқонун»ининг биринчи китоби рус ва ўзбек тилларида нашр этилди, «Алқонун»нинг иккинчи китоби рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниб бўлди. Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланаётган шарқ қўл'ёзмалари тасвирномасининг уч томи нашр этилди.

Ҳар иккала академия президиумларининг қўшма мажлиси Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишларини яхшилашга қаратилган қарорлар қабул қилди. Пахтачиликни юксалтириш—Ўзбекистонда илм-фаннинг асосий вазифаларидан биридир. Ҳозирги замон физикаси ва математикаси соҳасидаги, жумладан, ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш, Ўзбекистоннинг минерал-ҳомаш'ё ресурсларини ўрганиш соҳасидаги тадқиқот ишларини кучайтириш ва бошқа тадбирларни кўриш мўлжалланди. (ТАСС).

Янги йилнинг биринчи ҳафтасида

Ишчилар, колхозчилар, интеллигенция янги йилнинг биринчи кунлариданоқ ўз ижодий ташаббус ва ғайратларини Ватанимиз куч-қудратини янада мустаҳкамлашга, маданиятини юксалтиришга бағишламоқдалар.

Биз қуйида областимиздаги ишлабчиқариш корхоналари ва маданий-маиший муассасаларида 1956 йилнинг биринчи ҳафтасида эришилган дастлабки ғалабалар ҳақида материал босаётирмиз.

БИР ҲАФТАДА 30 МАШИНА РЕМОНТДАН ЧИҚАРИЛДИ

Автомобиль транспорти ва тошйўллар министрлигининг Тошкентдаги 2-нчи авторемонт заводи коллективи автомобильларни сифатли ремонт қилиш ва запас қисмлар ишлаб чиқариш сифатини янада ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Ишчилар ва инженер-техник ходимлар КПСС XX с'езди шарафига кун сайин қизғин тус олаётган умумхалқ мусобақасига қўшилиб, меҳнат унумдорлигини ошириш, ремонт ишларини тезлатиш, маҳсулот таннархини камайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун барча имкониятларни сафарбар қилаётирлар.

1955 йилни ишлабчиқаришда катта муваффақиятлар блан якунлаган завод коллективи йил бошидан бери яхши ишламоқда. Ўзаро мусобақада биринчи ўринда бораётган автомобиль ремонт цехи, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришаётир. Тажрибали мастер ўртоқ Александр Смирнов бошчилик қилаётган бу цех янги йилнинг ўтган бир ҳафтасида 30 та юк автомашинасини сифатли ремонтдан чиқарди.

СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЙТИРИЛМОҚДА

Тошкентдаги сут комбинати коллективи 1955 йил ишлабчиқариш планини муддатидан анча олдин тугаллаб, йил охиригача қўшимча равишда 113 минг сўмлик сут маҳсулотлари етказиб берган эди. Комбинат ишчилари ва инженер-техник ходимлари 1956 йилда бундан ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш учун зўр ғайрат қилмоқдалар. Улар КПСС XX с'езди шарафига ўзаро социалистик мусобақани авж олириб, кундалик графикни йил бошидан бери ортиги блан бажариб келаётирлар. Айниқса ойлик ва декада планларини 300 процентга етказиб адо этаётган диетик цех коллективи катта муваффақиятларга эришмоқда. Цехнинг Парҳачова, Татарина, Пацикаева, Кирдяшева ва Куприянова ўртоқлар сингари илғор ишчилари смена топширигини бирнеча ҳиссадан ошириб бажариб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Цехлар, бригадалар ва айрим ишчилар ўртасида с'езд шарафига социалистик мусобақанинг қизитиб юборилиши натижасида шу бир ҳафтанинг ўзида 73 тонна сут, 600 килограмм қиздирилган сариғ ёғ, 1 тоннадан ортиқ сариғ ёғ, 1,5 тоннага яқин қаймоқ, 1,5 тоннадан ортиқ пишлоқ, сал кам 5 тонна ёғли кисель ва бирнеча 10 тонна бошқа хил сут-ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу—планга кўрсатилганидан анча ортиқдир.

БИНОКОРЛАР МУСОБАҚАСИ

«Ташгорстройтерст» бинокорлари КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб, 1955 йил планини муддатидан илгари бажарган эдилар. Улар янги йилнинг биринчи ҳафтаси топширигини ҳам ошириб бажардилар. Янгидан ташкил этилган «Промстрой» қурилиш бошқармаси 1 январьда Қўйлиқдаги Карл Маркс номли кўчада темирбетон заводи ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлари учун икки қаватли, ҳарбири 8 квартирали 6 уй-жой биноларига блок теришни бошлади. Бу об'ектда ҳафталик график ортиги блан бажарилди.

2-нчи қурилиш бошқармасининг коллективи Сталин район, Чиланзор кўчасида энг катта об'ект — 4 қаватли уй-жой бинолари қурилиши ишини янги йилдан бошлаб юборди. Ҳозир бу ерда иш қизғин давом этиб, ҳарбир қуручи кундалик топширикни 120—150 процентга етказиб бажармоқда. Шунинг учун ҳам об'ектда белгиланган бир ҳафталик қурилиш иши 5 кун ичида тугалланди.

Бу бошқарма монтажчилари телевизор станцияси қурилишида монтаж ишини жадаллаштириб, станцияни муддатидан илгари фойдаланишга топшириш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Шунингдек, 1-нчи бошқарма қуручилари ҳам тўқимачилик институти студентлари учун қурилаётган ётоқхона қурилиши ҳафталик планини муваффақият блан бажардилар.

Трест бинокорлари КПСС XX с'езди кунини муносиб меҳнат совғаси блан кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора кучайтираётирлар.

682 СЕАНС

Жонажон Ватанимизнинг ҳарбир куни ажойиб меҳнат зафарлари блан нишонланади. Бир ҳафтада шундай оламшумул ишлар қилинадики, уни тасаввур қилиш анча қийин.

Биргина «Искра» кинотеатри ана шу ўтган бир ҳафта ичида, я'ни 1 январьдан 7 январьгача шаҳар меҳнаткашларига ўз экранларида 162 сеанс кўрсатди. «Ўрмонда тутун», «Матрос Чижик», «Гўзал Василиса», «Адрес эгасини қидириб» деган бадиий, «Варшава учрашувлари» ҳужжатли фильмларни намойиш қилди. Бу фильмларни ана шу ўтган бир ҳафта ичида 53 минг 500 тамошабин келиб кўрди.

Шунингдек, «Ёш гвардия кинотеатрида ўтган бир ҳафтада 6 та янги, шу жумладан «Васек Трубачев ва унинг ўртоқлари», «Умид соатлари» кинофильмлари кўрсатилди. Бу фильмларни 35 минг киши тамоша қилди.

Бундан ташқари бу кинотеатларда арча байрамлари ташкил қилинди. Мактаб ўқучиларининг қишки қаникули муносабати блан кинотеатларда ёш бадиий ҳаваскорларнинг концертлари уюштирилди, республиканинг отоқли кишилари блан пионер ва ўқучиларнинг учрашувлари бўлди. Фойедаги ўқиш зали, «Союзпечать» киосклари ишлаб турди.

Шундай қилиб, шаҳардаги барча кинотеатрлар ўтган 7 кун мобайнида 682 та сеанс бердилар ва 229 минг тамошабинга маданий хизмат кўрсатдилар.

КОНЦЕРТЛАР

Ўзбек давлат филармонияси ва давлат эстрада театри артистлари янги йилнинг 7 куни ичида шаҳар Маданият саройларида, клубларда ва концерт залларида аҳолига бирнеча концерт кўрсатдилар.

Навоий номли ўзбек опера ва балет театри биносида Ўзбекистон ССР халқ артистлари, Сталин мукофоти лауреатлари Мукаррама Турғунбоева, Ғулом Абдурахмонов, Ўзбекистон ССР халқ артистлари Назира Аҳмедова, Фотима Борухова, Шаҳодат Раҳимовалар ва Ўзбекистон халқ хофизлари Ма'муржон Ўзоқов, Ортиқхўжа Имомхўжаев ва бошқалар ижросида берилган концертларда шаҳар аҳолисидан 3000 га яқин киши қатнашди.

Ўзбек давлат эстрадаси артистлари жойларга бориб 25 марта концерт бердилар. Бу концертларни мактаб ўқучиларидан 15 мингга яқин киши тингладилар.

Шунингдек, театр коллективлари ва концерт бригадалари Сталин номидаги тўқимачилик комбинатининг ва темир йўлчилар Маданият саройлари ҳамда «Қизил тонг» фабрикаси клубида, олимлар уйида ва бошқа жойларда қатор концертлар бердилар. Бу концерт бригадалари ўтган ҳафта ичида Янгийўл, Оҳангарон, Чирчиқ, Мирзачўл ва Бекобод шаҳарларига ҳам борибъ, ўз сан'атларини намойиш қилдилар. Тамошабинлар бу концертлардан беҳад хурсанд бўлдилар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Колхоз партия ташкилоти мўл ҳосил учун курашда

Сирдар'ё районидаги Тарас Шевченко номли колхоз қишлоғига қадам қўяр экансиз, ҳар қадамда колхозчилар маданий ва бадавлат турмушининг нишонаси бўлган янги типдаги кўпхонали уйлар, унинг марказида колхоз правлениесининг ҳашаматли биноси, катта данғиллама клуб, кутубхона, радиоузел, электр станцияси, қизил чойхона, болалар боғчаси ва яслиси ҳамда бошқа кўпгина жамоат биноларини кўриб қувончингиз ортади.

Колхоз қишлоғининг каттадан-кичиги дилида ҳам ана шу қувонч, анашу шодлик. Колхоз ўтган йили давлат пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди, мамлакат ва халқ бойлигига бойлик қўшди, катта даромад қилди, колхоз а'золарининг севинчи янада ошди.

Севинч ҳам, унинг гарови бўлган бойлик ҳам ўз-ўзидан келмайди. Унга колхоз а'золарининг йил бўйи фидокорона меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш, чорвачиликни ривожлантириш ҳамда унинг маҳсулдорлигини ошириш учун астойдил олиб борган курашлари туфайли эришилди. Колхозчиларнинг мўл ҳосил учун олиб борган курашига колхоз бошланғич партия ташкилоти бошчилик қилди.

— Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин равишда ривожлантириш тўғрисидаги тарихий қарорлари, — дейди партия бюросининг секретари Ўртоқ Ил'ёс Ашеров, — колхозларда пахтачилик, чорвачилик ва хўжаликнинг бошқа соҳаларини янада ривожлантиришнинг амалий йўлларини белгилади. Шу блан бир қаторда колхоз партия ташкилотларининг колхоз ҳаётидаги роли янада ошди.

Колхоз бошланғич партия ташкилоти хўжаликка моҳирлик блан раҳбарлик қилмоқда. У, ўз ишини КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари асосида қайта қурди. Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш даражасини бирмунча яхшилади, колхоз экономикасига чуқур аралашабошлади, ишлабчиқаришга янада яқинлашди, омма блан алоқани мустаҳкамлади. Бу, партия ташкилотига ҳаётни чуқурроқ ўрганиш, колхозчилар оммасини партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини амалга ошириш учун курашга кенг сафарбар этиш имкониятини берди.

Колхоз партия ташкилоти партиявий-ташкилий ишларни тўғри йўлга қўйиш, оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтириш соҳасида ҳам яхшигина тажриба ортдирган. Партия йиғилишлари доимо пухта тайёрлиқ кўрилган ҳолда ўтказилади. Унда коммунистларнинг актив иштирок этишига алоҳида э'тибор берилади. Колхоз ҳаётига таллуқли муҳим масалалар чуқур ва атрофлича муҳоқама қилинади, пахтачилик, чорвачилик ва хўжаликнинг бошқа соҳалари юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб борилади.

Кўкламда ҳавонинг паст келиши сабабли пахта майдонининг қарийб 75—80 процентида чигит униб чиқмади. Партия ташкилоти ҳеч иккиланмай дарҳол чигитни қайта экишни ташкил қилиш ва уни узоғи блан 4—5 кун ичида тамомлашга қарор қилди. Барча бригадаларга партия бюросининг а'золари юборилди ва ишнинг натижаси учун жавобгарлик уларнинг зиммасига юклатилди.

Колхоз а'золари чигитни қайта экишни белгиланган муддатда тамомлаш учун кеча-кундуз тинмай фидокорона меҳнат қилдилар. Қайта экиш 3 кун ичида тўла тамомланди.

Партия ташкилоти чигитни биринчи мартаба торқаторлаб ва квадрат-уялаб экилаётганини, ишда жиддий қийинчиликлар юз беришини билар эди. Лекин у барча қийинчиликларни енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун қат'ий кураш олиб борди.

Янги ўзлаштирилган 87 гектар ерга чигит эккан коммунист ўртоқ Бурҳон Зокиров бошлиқ бригадада ғўзанинг авжи жуда суст бўлди. Партия ташкилоти бригадада юз берган аҳволни дарҳол ўз йиғилишида муҳокама қилди ва уни яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўрди. Бригадага партия бюросининг а'зоси, колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Жуман Маманов вақтинча биркитиб қўйилди. Шу ерга яқин бўлган тўқайдан қўй ва моллларнинг эски қийини ташиб келтириш ва уни ғўзага солиш ташкил этилди. Бу ишга бошчилик қилиш агроном ўртоқ Алиевга юклатилди. Натижада бу бригада тез орада бошқа бригадалар блан тенглашиб олди. Шу даврда колхоз комсомолларининг кучи блан 350 тонна маҳаллий ўғит тўпланди ва ғўзага солинди.

Партия ташкилоти ғўза парваришини намунали ўтказиш пахта ҳосилини оширишда ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, бу даврда айниқса ўз фаолиятини янада кучайтирди. Аввало колхоз қишлоғидаги барча ишга яроқли кишилар дала ишларига сафарбар этилди. Колхозчилар ўртасида социалистик мусобақа кучайтирилди. Чопиқ, культивация ва суғориш ишларининг бир-бирига боғлаб олиб борилиши та'минланди ва унинг сифатига алоҳида э'тибор берилди.

Барча далачилик бригадаларида бутун йил бўйи дала шийпонлари мунтазам ишлаб турди. Улар радиоприёмниклар блан та'минланди, кўчма кутубхона ва қизил бурчак ташкил қилинди. Ҳарбир бригаданинг агитатори шу бригадага биркитиб қўйилган партия бюросининг а'зоси раҳбарлигида колхозчилар ўртасида мунтазам равишда оммавий-сиёсий ишларни олиб борди. Колхозчиларга зарур бўлган маданий-маиший шароит яратиб берилди. Далада иссиқ овқат ташкил қилинди, кўчма болалар боғчаси ва яслилари муттасил ишлаб турди.

Партия ташкилоти ғўза парвариши даврида ҳам, пахта йиғим-терими даврида ҳам илғор бригада ва звено бошлиқларининг, шунингдек айрим колхозчиларнинг иш тажрибасини оммалаштиришга катта э'тибор берди. Колхоз радиоузели орқали уларнинг тажрибаси пропаганда қилинди.

Партия ташкилоти айниқса пахта йиғим-теримини яхши тайёргарлиқ блан кутиб олди. Теримнинг биринчи кунлариданоқ социалистик мусобақа қизитиб юборилди, терим сур'ати тезлаштирилди. Пахта йиғим-теримини бошлаш олдидан ўтказилган колхоз теримчиларининг йиғилишида колхоз а'золаридан 37 киши қўпмингчилар ҳаракатига қўшилиб, мавсумда 7—10—15 минг килограммдан пахта териш мажбуриятини олган эди. Партия ташкилоти уларнинг иш тажрибасини кенг равишда оммалаштириб борди. Натижада кейинги вақтда уларнинг сони икки баравардан ҳам ошиб кетди. Мавсумда 8—13 минг килограммдан пахта терган Ҳ. Умарова, Қ. Қоплонова, М. Исоқова, Б. Номозова ва Н. Тиркашева ўртоқлар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари блан мукофотландилар.

Колхоз 1955 хўжалик йилини катта муваффақиятларга эришган ҳолда якунлади. 600 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Колхоз а'золари давлатга пландан ташқари 150 тониадан кўпроқ пахта топширдилар. Ҳарбир гектар ердан олинган ҳосил 1954 йилдагига нисбатан 3 центнердан кўпроқ ошди.

Колхоз партия ташкилоти ҳисобидаги 31 коммунистдан 22 киши бевосита ишлабчиқаришда банд. Коммунистлардан 6 киши бригада бошлиғи, 2 киши звено бошлиғи, 7 киши оддий кетмончи бўлиб ишлайди. Коммунистлар бошлиқ бригада ва звеноларнинг а'золари колхоз а'золарининг ютуғига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Ўртоқ Т. Маманов бошлиқ 4-нчи бригадада 65 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олинди. Шунингдек, коммунистлар бошлиқ бошқа бригада ва звеноларда ҳам пахтадан мўл ҳосил олинди.

Мўл ҳосил катта даромад келтирди. Колхоз бу йил хўжаликдан ҳаммаси бўлиб 4,5 миллион сўмдан ортиқ даромад қилди. Колхозчиларнинг ҳарбир меҳнат кунига 10 сўмдан пул ва 2,5 килограммдан ғалла тақсимлаш мўлжалланади.

Колхоз хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлган чорвачилик ҳам сезиларли даражада ривожланди ва унинг маҳсулдорлиги анча ошди. Қўлда боқишга ўтказилган 70 сигирнинг ҳарбиридан қарийб 800 литрдан сут соғиб олинди. Бу 1954 йилда ҳарбир сигирдан олинган сут миқдорига нисбатан 1,5 баравар кўпдир.

Партия ташкилоти чорва туёғини кўпайтириш планининг бажарилиши учун курашди ва унинг барча турлари бўйича ошириб бажарилишини та'минлади. Колхоз давлатга чорвачилик ва полиз экинлари маҳсулоти топшириш планини ошириб бажариб, қўшимча топширилган жун ва сабзавот учун 2 юк автомашинаси олди.

Партия ташкилоти чорва қишловига яхши тайёрлиқ кўрилишини та'минлади. 838 тонна дағал ем-хашак, 612 тонна беда жамғарилди, 485 тонна силос бостирилди.

Колхозда жамоат биноларини қурилиши кенг миқ'ёсда амалга оширилмоқда. 1955 йил ичида 40 сигир сиғадиган ёзлик сигирхона, 60 от учун ёзлик ва 60 от учун қишлиқ отхона, чўчқахона ва 840 бош қўй-эчки учун 2 қўтон қуриб битказилди.

Колхоз партия ташкилоти бу йил пахта ҳосилини янада ошириш тадбирларини белгиламоқда. Колхоз а'золари 620 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 32 центнердан ҳосил олишни ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўйдилар. Партия ташкилоти ана шу шарафли вазифанинг муваффақиятли амалга оширилишини та'минлаш учун курашмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, партия ташкилоти ўз сафини ишлабчиқариш илғорлари ҳисобига кенгайтириш, коммунистларнинг сиёсий билимини ошириш, қишлоқ аҳолиси ўртасида лекция пропагандасини кучайтириш ҳақида ҳам катта ғамхўрлик қилмоқда. Ўтган йили илғор бригада бошлиғи Б. Қоплонов ва ферма мудири Н. Соипов ўртоқлар КПСС а'золигига кандидатликка қабул қилиндилар.

Партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган КПСС тарихини ўрганиш тўгарагида коммунистлар қунт блан ўқиб, ўз сиёсий билимларини оширмоқдалар. 4 киши марксизм-ленинизм назариясини мустақил равишда ўрганмоқда. Партия бюросининг секретари Ашеров ва колхоз раиси Маманов ўртоқлар район партия комитети ҳузурида ташкил этилган қишлоқ хўжалик экономикасини ўрганиш семинарида қатнашмоқдалар.

Колхоз а'золари ўртасида ўтган йили турли темада 100 га яқин сиёсий доклад ва лекциялар уюштирилди, агитаторлар юзларча суҳбатлар ўтказдилар.

Колхоз партия ташкилоти колхозчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни тобора кучайтирган ҳолда, уларни муҳим сиёсий ва хўжалик вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун курашга кенг жалб қилмоқда, хўжаликни юксалтириш ва колхозчилар турмушини янада фаровон, маданий қилиш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Шунинг учун ҳам у колхозчилар оммасининг чексиз ҳурматига сазовор бўлаётир.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Тошкент чинни заводининг коллективи КПСС XX с'езди шарафига социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқда. Суратда: с'ездолди меҳнат вахтасида туриб, смена топшириғини 350 процентга етказиб бажараётган қолипчи Ф. Зайнуллина иш устида.

А. Палехов фотоси.

Фан ва техника янгиликлари

ЯНГИ ХИЛ ТРАКТОРЛАР

Челябинск трактор заводи (ЧТЗ) яқиндан бошлаб «С-80-Б-2» маркали янги хил трактор ишлаб чиқарабошлади. Янги машина шу пайтгача чиқарилаётган тракторлардан конструкциясининг қулайлиги, айниқса ҳаракатлануви қисмларининг оригинальлиги блан фарқ қилади. Унинг гусеницасининг башмаги 1000 миллиметр бўлиб, оддий тракторникига қараганда 2 ҳисса кенг. Шунинг учун ҳар квадрат сантиметр тупроққа тўғри келадиган босим кучи «С-8» тракторида ярим килограмм бўлса, «С-80-Б-2» тракторининг босим кучи 0,28 килограмм бўлади. Бу эса янги тракторга ҳарқандай табиий шароитда; ёғингарчилик пайтида ҳам, ҳатто балқоқлик жойларда ҳам ишлайолиш имкониятини беради.

«СТАЛИНЕЦ—8» КОМБАЙНИ

Комбайн — ҳосилни йиғиб олишда асосий агрегатир. Шунинг учун конструкторларимиз янги, юқори иш унумли ва қўлланишга қулай комбайнлар яратиш устида самарали ижодий ишлар қилмоқдалар. Мамлакатимиз саноати яқиндан бери чиқараётган «Сталинец—8» комбайни бунга далилдир. Бу комбайндан ғалладан-ташқари қош, ловия сингари дуккакли экинларни, кунгабоқар ва уруғлик ўтларни ўрин ҳамда янчишда ҳам фойдаланиш мумкин. Унинг ўроқлари «Сталинец—6» комбайнникидан анча кенг ва тўқмоқлаш барабани ҳарқандай серҳосил ғаллани ҳам пешма-пеш янчиб улгуради. Агрегатнинг буғдой ёки арпа поясини силкитучи клавиш қисми жуда мукаммал ишланганлиги учун донинг бошқа қолиб кетиши минимум даражада камайган. Гарчанд комбайн молотилкасида атиги битта тозалаш узели бўлса ҳам, ундан олинадиган ғалланинг 99 проценти мутлақо тоза бўлади.

Янги комбайннинг эски конструкциядаги комбайнлардан афзаллиги яна шундаки, у, шабнам тушган экинни тонг пайтида ҳам ўраверади. «Сталинец—8» соатига 2,75—3 гектар ғалла ўриш қувватига эга.

Ўқитучиларнинг январь кенгашлари

2 январь куни областимизнинг қишлоқ районларида ва 6 — 7 январь кунлари шаҳар районларида ўқитучиларнинг январь кенгашлари бўлиб ўтди. Кенгашларда район халқ маорифи бўлимларининг мудирлари «Мактабларда политехника ўқишининг аҳволи» ҳақида доклад қилдилар. Иккинчи кунда эса сессия ишлари олиб борилди, сўнгра кўрилган масалалар юзасидан муҳим тадбирлар белгиланган қарор қабул қилинди.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДА

Район халқ маорифи бўлими мудири ўртоқ А. Беняминовнинг доклади кенгаш қатнашчиларининг диққат марказида турди.

Докладчи район мактабларининг коллективлари 1955—56 ўқув йилининг биринчи ярмида ўқув процессига политехника та'лимини жорий қилишда бирмунча муваффақиятларни қўлга киритганликларини айтди. Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинати, «Таштекстильмаш» ,карборунд ва 7-нчи завод коллективлари, 5-нчи техника билим юрти каби оталик ташкилотларининг яқиндан ёрдами туфайли райондаги 48, 87, 72, ва 135-нчи мактабларда ўқув йилининг биринчи ярмида дурадгорлик ва слесарьлик устахоналари ташкил қилинди ва улар зарур асбоб-ускуналар, электроэнергия блан та'минланди. Райондаги кўпгина мактабларда техника тўгараклари ташкил қилинди, ўқучилар орасида интизом, дарсга давомат ва фанлардан ўзлаштириш бирмунча яхшиланди.

Лекин ўқув процессига политехника та'лимини жорий қилишда район мактабларида ҳали ҳам жиддий камчиликлар бор. Музокарада сўзга чиққан ўқитучилар ва мактаб директорлари ўз иш тажрибаларини ўртоқлашиш блан бирга мавжуд камчиликларни ҳам қайд қилиб ўтдилар. Мактабларда устахоналар ташкил қилиш, уларни зарур асбоб-ускуналар ва мутахассис ўқитучилар блан та'минлаш қониқарли аҳволда эмас. Район метод кабинети қўл меҳнати, машинани ўрганиш ва электротехникадан амалий машғулот олиб боручи ўқитучиларнинг методик малакасини ошириш масаласи блан жуда ҳам шуғулланмоқда, илғор ўқитучиларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш назар-э'тибордан четда қолдирилмоқда.

Райондаги 118, 26 ва 127-нчи мактабларнинг физика, химия, биология ўқитучилари дарс беришда назарияни амалий машғулотлар блан қўшиб олиб бориш ва лабораторияда тажрибалар ўтказишга кам аҳамият бермоқдалар. Айрим мактабларда қўл меҳнати дарси янги программа асосида олиб борилмаётир. 118 ва 89-нчи мактабларнинг директорлари ўз-бошимчалик қилиб, 5—6-нчи синфлардаги қўл меҳнати дарсини биология дарси блан алмаштирганлар. 148-нчи мактаб ўқитучилари Субботина. Юфимова, 72-нчи мактаб ўқитучиси Пиренко ўртоқлар қўл меҳнатидан дарс ўтказганларида программа талабларига риоя қилмаганлар. Бундай камчиликлар шунинг учун содир бўлмоқдаки, юқоридаги мактабларнинг директорлари ва илмий бўлим мудирлари политехника та'лимининг қўйилиши блан етарли равишда қизиқмаганлар ва ўқитучиларнинг дарс бериши устидан доимий назорат қилиб турмаганлар. Вазифа — ўқув йилининг иккинчи ярмида политехника та'лимини янги ўқув плани ва программалари асосида намунали ташкил этишдан иборат.

МОСКВА РАЙОНИДА

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан кенгаш қатнашчилари ўқув йилининг биринчи ярмида район мактабларида янги ўқув плани ва программалари асосида политехника ўқишини жорий қилишда дастлабки муваффақиятлар қўлга киритилганлигини айтиб ўтдилар. Бу соҳада айниқса 137, 10-нчи мактаб коллективлари яхши натижаларга эришдилар. Бу мактабларга оталик қилучи корхоналар коллективлари устахоналар ташкил этиш ва уларни жиҳозлашда яқиндан ёрдам бердилар. Шунингдек, политехника та'лимини жорий қилишда мактабларди мавжуд имкониятлардан ҳам фойдаланилди. 19, 4 ва 8-нчи мактаблар оталик қилучи корхоналар блан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, программада кўрсатилган амалий машғулотларни бевосита корхоналарнинг ўзида ўтказмоқдалар.

Райондаги айрим мактабларда физика, химия, биология фанларидан практик машғулотлар ҳозирги замоннинг амалий вазифалари блан боғлаб ўтказилмоқда, ўқитучилар лабораторияларда тажриба ўтказганларида бу фанларнинг халқ хўжалигидаги аҳамиятини ўқучиларга кенг тушинтирмоқдалар. Бунга райондаги 42, 137 ва 10-нчи мактабларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Бироқ, район мактабларида политехника ўқишини ташкил қилишдаги ҳозирги аҳволни умуман қониқарли, деб бўлмайди. Чунки, райондаги кўпчилик мактаблар ўз устахонасига эга эмас. Кўпгина мактабларнинг коллективлари политехника та'лими учун материал база яратишда ички имкониятлардан тўла фойдаланмаётирлар, оталик қилучи ташкилотлар блан мустаҳкам алоқа ўрнатмаганлар. 5, 6-нчи синфларди меҳнат дарси ва 8, 10-нчи синфлардаги амалий машғулотлар қониқарсиз олиб борилмоқда, ўқув-тажриба кабинетларидан ёмон фойдаланилмоқда.

Янги ўқув плани ва программаларида меҳнат дарсига алоҳида э'тибор берилган. Лекин шундай бўлишига қарамай, айрим мактаб раҳбарлари, жумладан 78-нчи мактаб директори 5, 6-нчи синфларда меҳнат дарсини ҳозирча ўтмай туриш тўғрисида ўзбошимчалик блан буйруқ берган. 109-нчи мактабда ҳам ўқув йилининг биринчи ярмида меҳнат дарси ўтилмаган. 8, 75 ва 76-нчи мактабларнинг устахоналарида ўтказилаётган практик машғулотлар ҳам программа талабларига тўла жавоб бермайди. Районда илғор мактаб ва ўқитучиларнинг тажрибаларини оммалаштириш қониқарли ташкил қилинган эмас.

Район халқ маорифи бўлимининг мудири ўртоқ Ф. Солиев ўз докладида юқоридаги камчиликларни бирма-бир санаб кўрсатган бўлса ҳам, бу камчиликларнинг юз беришига нималар сабаб бўлганлигини чуқур анализ қилиб бермади. Музокарада сўзга чиққан ўртоқлар ўз иш тажрибаларини ўртоқлашдилар ва ўқув-тарбия ишларида йўл қўйилаётган камчиликларни очиб ташладилар.

Кенгашда район мактабларида политехника ўқишини яхшилашга қаратилган қарор қабул қилинди.

ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ УЧУН

Детальларга ишлов беришнинг комплекс технологияси

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми социалистик саноатимиз меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган жуда кўп резервларга эга эканлигини, аммо бу резервлардан ҳаддан ташқари кам фойдаланилаётганини кўрсатди. Шу муносабат блан биз машинасозлик саноати ходимлари диққатини ишлабчиқаришнинг ба'зи масалаларига жалб этишни истар эдик, бу масалаларнинг тўғри ҳал қилиниши меҳнат унумдорлигини анча оширишни та'минлайди.

Кўпчилик машинасозлик заводларида ишлабчиқариш технологияси металл ишловининг асосий усуллари бўйича айрим-айрим ҳолда ривожланмоқда: механиклар металларни қирқиш тезлигини оширмоқдалар, қуювчилар қуйилма ишлабчиқаришни мукаммаллаштирмоқдалар, темирчилар тоблаш ва қайноқ штамповка қилишнинг юксакроқ иш унумига эга бўлган методларини қўллашга эришаётирлар, прокатчилар прокат қилиш методини такомиллаштирмоқдалар.

Бироқ, технологияни бундай ривожлантириш ишлабчиқариш технологиясини такомиллаштиришнинг ягона йўли эмас. Металлар ишлашнинг турли усулларини ягона технологик процесда рационал бирлаштирадиган комплекс технология у йўлга қараганда янада эффективлироқдир. Буни кўпгина машинасозлик заводларининг иш тажрибаси тасдиқлайди.

Мана, бирнеча мисоллар келтирамиз.

Йирик детальлар тайёрлашда поковка олиш ҳамда уларга станокларда ишлов бериш технология процесслари одатда айрим-айрим ишлаб чиқилади. Тажриба шуни кўрсатдики, пўлатнинг махсус форма, оғирлик ва маркадаги қуйилмасини олишдан тортиб, то уни тоблаш ва қирқув ускуналарида ишлов беришгача — деталь қилиб тайёрлашгача бўлган ҳамма циклни янада мукаммаллаштириш ва комплекс равишда проектлаштириш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, қуйилмани ҳам проектлаштириш зарур, лекин уни шу корхонада бор бўлган қуйилмалардангина танлаб олиш шарт эмас. Масалан, «Уралмаш» заводида ва бошқа машинасозлик корхоналарида конструкцияси ўзгартирилган, ичи кавак ва шунга ўхшаш ихтисослаштирилган қуйилмалар тайёрланяпти. Бу—металлни кўпроқ тежаб сарфлашни, темирчилик операцияларида иш унумини сезиларли даражада оширишни ҳамда деталь таннархини камайтиришни та'минлайди.

Заводларда периодик прокатни, я'ни қўндаланг кесими периодик равишда алмашиниб турадиган прокатни жорий қилиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Прокат ишлабчиқариш новаторлари бу соҳада ҳозирнинг ўзидаёқ ма'лум муваффақиятларга эришдилар. Масалан, Молотов номли Горький автомобиль заводида штамповка болғалари блан бир потокда ишлайдиган махсус периодик прокат стани ўрнатилди. Бунинг натижасида бирнеча хил деталь ишлабчиқаришда металлни ортиқча сарфлаш анчагина қисқарди, қайноқ штамповка қилиш осонлашди, штамплар конструктив равишда соддалашди ва кичрайди.

Ватанимиздаги ва чет мамлакатлардаги заводлар тажрибаси ўргатадики, қайноқ штамповка қилиш учун ихтисослаштирилган заготовкаларни кенг қўлланиш катта натижа беради. Шунинг учун нормал прокатдан олинган заготовкалардан кўпроқ воз кечиш ва унинг ўрнига периодик прокатни, шунингдек, трубаларни, листларни, металл тахталарини, қуйилган заготовкаларни, пресслангган профильни кенгроқ қўлланиш керак.

Детальларни кўп серияли ёки оммавий масштабда ишлабчиқаришда жуда хилма-хил бўлган ускуналардан фойдаланиб, поток яратиш қулайдир. Шу жиҳатдан темирчилик, прокат машиналари ва бошқа машиналар ёрдами блан гилдиракча ва шариклар тайёрлаётган шарикоподшипник заводларининг тажрибаси намуналидир. Шестернялар ишлабчиқаришдаги комплекс технология айниқса жуда қизиқарлидир. Штамповка қилинган заготовкалар махсус станга келиб тушади, буерда улар электр энергияси блан тезда қиздирилади ва тиш накатка қилинади. Икки ишчи бошқарадиган шундай станнинг биттаси 18 — 20 ва ундан ҳам кўп зубофрезер станокни алмаштираолади.

Сваркани штамповка қилиш (қуйиш, прокат қилиш ва шу каби операциялар) блан боғлаб олиб боришга имкон берадиган комбинациялаштирилган конструкцияларни қўлланиш анча самаралидир.

Ҳаммага ма'лумки, ишлабчиқаришни ташкил этишнинг энг прогрессив формаси у ёки бу детальни тайёрлашда ёпиқ циклли поток линияни қўлланишдир. Шу пайтгача потоклик ва ёпиқликка металл ишлашнинг айрим усуллари доирасидагина қараб келинди ва шундай қараб келинмоқда. Ҳозирги замон технологияси эса автоматлаштирилган комплекс поток линиялар ташкил қилишга имкон беради. Бу линияларда, бирхил ритмда ишлайдиган темирчилик-штамповка, термик, металл қирқиш ва контроль-ўлчов ускуналаридан фойдаланиш мумкин.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, детальларга ишлов беришнинг комплекс технологиясини ривожлантириш машинасозлик саноатида меҳнат унумдорлигини янада оширишнинг янги, катта резервларини очиб беради.

Деталь тайёрлашда комплекс технологияни ривожлантиришни тезлаштириш учун нималар талаб қилинади?

Бунинг учун дастлаб, заводларда зарур бўлган ташкилий тартиблар ўрнатилиши керак. Кўпчилик машинасозлик заводларида бош металлургия бўлими бор. Бу бўлим тайёрлов цехларини бошқариб боради, уларни ишлабчиқаришга тайёрлашни та'минлайди. Лекин бу бўлим ўз фаолиятида заготовкаларга ишлов берадиган цехларни идора этучи бош технология бўлими блан етарли боғланмайди. Бу икки бўлимнинг мустаҳкам алоқа боғлаб, ўзаро келишиб ишлашлари учун уларга раҳбарлик қилучи бош инженер ишлабчиқаришни яхши ташкил қилиши, деталь тайёрлашда янги, прогрессив технологияни ишлаб чиқиш ва жорий этишни та'минлаб, технологик хизматларни моҳирлик блан бошқармоғи зарур.

Детальлар конструкциясини ишлаб чиқаётган пайтда конструктор мазкур детальнинг технологик хусусиятлари унга станокларда механик ишлов бериш воситаси блангина эмас, балки биринчи навбатда унинг қуйилмаси, тобланганлиги, штамповкаси блан белгиланишини яхши билиши керак.

Мана шу масалаларни ҳал қилиш комплекс технологияни ривожлантиришда бош рольни ўйнайди.

Ҳозирги замон машинасозлик технологияси металларга ишлов беришнинг кўп илғор усуллари блан бойиди. Уларнинг қайси бири энг юқори иш унумига эга?

Детальларни тайёрлашда ишлабчиқариш циклини кўпроқ қисқартириш, иш прогрессини механизациялаш ва автоматлаштириш — металлни тежаш, қўл меҳнатини кам сарфлаш ҳамда меҳнат унумини ошириш имконини беради. Ишлов бериш усулларини танлаш пухта ишланган техника-иқтисодий ҳисобларга, ишловнинг алоҳида усуллари (қирқиш, тоблаш кабилар) бўйичагина эмас, балки заготовка тайёрлашнинг бошланишидан, то йиғув операцияларигача бўлган усуллари бўйича пухта ишлаб чиқилган ҳисобларга асосланиши керак.

Маҳсулотни бир марта ёки кам серияда ишлаб чиқарадиган корхоналарни мисолга олиб кўрайлик. Бу корхоналарда заготовка олиш учун штамповка усули жуда кам, эркин тоблаш усули эса кўп қўлланилади ваҳоланки, эркин тоблаш усули қўлланганда детальларни шакллантириш энг кўп меҳнат талаб этадиган ҳамда энг қиммат воситга бўлган қирқиш йўли блан амалга оширилади. Штамповкани қўллаиш катта фойда беради.

Детальга ишлов беришнинг энг рационал усулини танлашда ишлабчиқариш масштабини ҳисобга олишгина кифоя қилмайди. Бунинг учун ишлов беришдан то заготовкани деталь сифатида тайёрлашгача бўлган комплекснинг ҳамма вариантларини техника-иқтисодий жиҳатдан ҳисоблаб чиқиш керак. Бундай ҳисоблар бош технология бўлимида ва бош металлургия бўлимида айрим-айрим ҳолда ҳисоблаймай, бутун технология комплекси бўйича ишлаб чиқилиши лозим.

Ма'лумки, ҳарбир ишлов бериш усули турли кўринишларга эга бўлиб, бирнеча хил ускуналардан фойдаланишни талаб этади. Масалан, чархлаш операциясини универсал-токарлиқ станогида ёки автомат ва яримавтоматда бажариш мумкин. Деярли ҳамма заводда турли типдаги ускуналар бор. Лекин, одатда кам ишлабчиқариш қувватига эга бўлган универсал станок ва машиналар кўп даражада фойдаланилади.

Нега шундай бўлаяпти?

Дастлаб шунинг учунки, детальларга ишлов бериш технологияси ишлабчиқариш процессининг барча звеноларида етарли даражада пухта ўйлаб тузилмайди. Конструктор у ёки бу деталь проектини ишлаш пайтида ҳамавақт ҳам янги, илғор технологияни кўзда тутавермайди. Тайёрлов цехлари ишлабчиқаришни тайёрлаб берадиган бош металлургия бўлими детальларга кейинги ишлов бериш технологияси блан кўпинча қизиқмайди. Юқоридаги звеноларда прогрессив технологияни ривожлантиришнинг суст бораётганлиги технологлар ижодий фикрини тараққий этдиришга кўп жиҳатдан тўсқинлик қилаётир, уларни энг қулай технологик вариантларни излаб топишга руҳлантирмаётир.

Детальларга ихтисослаштирилган ускуналарда ишлов бериш ўз-ўзидан махсус оснасткалар талаб қилади. Махсус оснасткаларни фақат кўпсерияли ёки оммавий масштабда ишлабчиқариладиган маҳсулотлар учунгина тайёрлаш мақсадга мувофиқдир, деган фикр ҳам бор. Аслида эса махсус машина (станок), ва оснасткаларнинг ишга солиниши ҳатто бирор хил маҳсулотни бир марта ишлабчиқарадиган корхоналарда ҳам меҳнат унумдорлигини анча ошириш имкониятини беради. Бу— кўпгина машинасозлик заводларининг иш тажрибасида тасдиқланган.

Худди мана шу сабабларга кўра кўпчилик машинасозлик заводларининг темирчилик цехларида штамповка болғалари, горизонталь-тоблаш (штамповка қилиш) машиналари, калибровкалаш-чилиш прессларни кучидан тўла фойдаланилмайди.

Бундай аҳволга барҳам бериш учун конструкторлик бўлимларини малакали технологлар блан кучайтириш, конструкторлар блан биргаликда машина детальларни конструкциясини технологик жиҳатдан қулайлаштириш, маҳсулот ишлашга минимал даражада меҳнат сарфлашни та'минлайдиган технологик группалар ташкил қилиш керак.

Асбоблар тайёрлашнинг энг қулай усулларини жорий қилиш илғор, комплекс технологияни кенг ўзлаштиришда жуда катта аҳамиятга эгадир. Илғор заводлар асбоблар ишлабчиқариш техникаси ва технологиясини яхшилаб, асбобларни анча арзон тайёрлашга эришдилар, бу эса асбоблардан янада кенг масштабда фойдаланиш имкониятига эга бўлиш демакдир.

Кўпчилик машинасозлик заводларида эксперименталь цехлар бор, бироқ уларнинг ҳаммасида металл-қирқув ускуналаригина бор, холос. Тез вақт ичида металларни босим кучи блан ишлашга мўлжалланган эксперименталь цехлар ҳам ташкил қилиш керак. Ҳарбир катта ва ўрта даражадаги машинасозлик заводида, айниқса проект-технология ва илмий-текшириш институтларида янги, илғор технологияга асосланган бундай цехларнинг бўлиши шарт.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорлари ишлабчиқариш процессларини проектлаштириш ва ташкил этишда ҳукм суриб келаётган эски тушунчаларни улоқтириб ташлашни талаб этади. Амалий тажриба ва унга мувофиқ бўлган назария блан мустаҳкамланган дадил новаторлик — мамлакатимиз машинасозлигида техника прогрессини тезлаштиришнинг гаровидир.

П. КАМНЕВ,
В. М. Молотов номли Ленинград инженер-иқтисодчилар институтининг доценти.

КПСС МК ва СССР Министрлар Советига ёзилган Мактуб асосида қишлоқ хўжалигини ҳартарафлама ривожлантириш учун курашайлик!

*

Механизаторлар янги вазифаларни шараф блан бажарадилар

Республика қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашининг қатнашчиларидан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига юборилган Мактубни Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхози а'золари ҳамда шу колхозда хизмат қилаётган 1-нчи МТС механизаторлари қишки ишларни зўр ғайрат блан бажараётган бир вазиятда кутиб олдилар.

Колхознинг 4-нчи участкасида хизмат қилаётган Ўртоқ Пак Степан бошлиқ трактор бригадаси ўтган йили квадрат-уялаб чигит экишда, ғўза қатор ораларини ишлашда зўр ғайрат кўрсатган эди.

Бу трактор бригадасининг а'золари 1956 йил мўл ҳосили учун замин ҳозирлаш ишига астойдил киришиб, ерларни кузда сифатли шудгор қилиб қўйдилар. Шудгор даврида айниқса тракторчи Маҳкам Акрамов яхши ишлади. У, 300 гектар ер ҳайдаш ўрнига 450 гектар пахта майдонини шудгор қилиб берди. Трактор бригадаси кузги шудгор планини шараф блан бажарди.

—Мактуб бизни янада яхшироқ ишлашга илҳомлантирди, — дейди бригада механиги Ўртоқ Пак Степан, — биз ўз олдимизда бу йил яна ҳам мас'улиятли, шу блан бирга шарафли вазифа турганини тўла хис этамиз. Чунки янги, прогрессив методни тобора кўпроқ қўлланиш муносабати блан механизаторларнинг роли илгаригидан бирнеча марта ошади. Энди биз пахта майдонларида чинакам ҳал қилучи роль ўйнайдиган кишиларимиз. Механизаторларимиз ўз машиналари блан пахтакорларга кўпроқ ёрдам бераллар. Бригадамиз тракторчилари бу йил чигит экиш кампаниясига пухта тайёрланиш блан янги, прогрессив методда чигит экишни сифатли ўтказиш учун курашадилар.

Илғор чорвадорлар сўзи

Калинин районидаги Ворошилов номли колхоз а'золари чорвачиликни йилсайин ривожлантириб, унинг маҳсулдорлигини оширабориб, ўз хўжаликларини тобора мустаҳкамлаётгандилар. Колхоз 1955 чорвачилик йилида ҳарбир сигирдан салкам 3 минг литрдан сут соғиб олди.

Колхоз а'золари республика қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашининг қатнашчиларидан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига юборилган Мактубни ўқиб чиқар эканлар, бу йил чорва маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтиришга ахд қилдилар. Бунинг учун колхозда ҳамма имкониятлар бор. 17 та катта чуқурларга 1025 тонна силос бостирилган. Ҳозир бу силос блан сигирлар яхши боқилмоқда. Кўплаб силос ва бошқа ширали ем-хашак еётган сигирлардан кўплаб сут соғиб олинаётир. Илғор сут соғучи Ўртоқ Б. Исҳоқова ўз боқимидаги 14 сигирдан шу кунгача 13625 литр сут соғиб олди. Шунингдек Р. Расулова, Х. Исломова Ўртоқлар ҳам сигирларни яхши парвариш қилиб, улардан сут соғиб олиш миқдорини кунсайин оширмоқдалар.

Ворошилов номли колхоз чорвадорлари 111 бош соғин сигирни зоотехника қондалари асосида парвариш қилиб, 1956 йилда уларнинг ҳарбиридан 3 минг литрдан ошириб сут соғиб олишга қарор қилдилар.

В. САЛОВ.

Областимиз пахтакорлари, механизаторлари, чорвадорлари ва барча қишлоқ хўжалик ходимлари республика қишлоқ хўжалик илғорлари кенгашининг қатнашчиларидан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига ёзилган Мактубни зўр коникиш блан кутиб олдилар. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг а'золари Мактубни ўрганиш блан бу йил пахта ҳосилини янада оширишга қарор қилдилар. Суратда: колхоз комсомол ташкилотининг секретари Ўртоқ Х. Маҳмудов Мактубни колхозчиларга ўқиб эшитдирмоқда.

В. Салов фотоси.

Иш Мактуб асосида ташкил этилмоқда

Республика илғор пахтакорлари кенгаши қатнашчилари томонидан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига ёзилган Мактубни барча колхозчилар зўр қониқиш ва мамнуният блан ўқиб, муҳокама қилмоқдалар. Улар 1956 йил мўл ҳосили учун пухта замин тайёрлаш тадбирларини кучайтирмоқдалар.

Ўтган йили пахта тайёрлаш планини 110 процент қилиб бажарган Гулистон районидаги «Красная заря» колхози а'золари бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун мавжуд пахта майдонининг ҳаммасини сифатли шудгор қилиб қўйдилар.

«Красная заря» колхозида пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг муҳим шарти,—шўр ерларни ўз вақтида ювиб қўйишдан иборат. Колхоз правленеси бу муҳим тадбирни барвақт ўтказишга катта аҳамият бермоқда. Ҳозиргача қарийб 400 гектарча пахта майдонининг шўри ювилди.

Мактубдан илҳомланган колхоз а'золари шу кунларда қишки тадбирларни амалга ошириш учун курашмоқдалар. Ҳозир колхозда далаларга маҳаллий ўғит тўплаб қўйиш, ариқ қазиш ва майда зовурларни тозалаш тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Колхоз раиси Ўртоқ А. Турдиев бундай дейди:

— Биз Мактубни ўқиб зўр қаноат ҳосил қилдик. Бу Мактубни колхоз радиоузели орқали колхозчиларга ўқиб эшитдирдик. Ўтган йили биз торқаторлаб ва квадрат-уялаб чигит экиб ҳар гектар ердан қарийб 28 центнердан ҳосил олган эдик. 1956 йилда пахтачиликдаги бу прогрессив методни яна ҳам кенг миқ'ёсда қўллаб, пахтадан ўтган йилга нисбатан кўп ҳосил етиштириш учун курашамиз.

Р. РАҲМОНБЕРДИЕВ.

Бу йил ҳосил янада мўл бўлади

Верхне-волинск районидаги «Победа» колхозининг а'золари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари республика кенгашининг қатнашчиларидан юборилган Мактубни радио орқали эшитиб, уни баланд руҳ блан қабул қилдилар.

Колхоз а'золари ўтган қишлоқ хўжалик йилини пахтадан мўл ҳосил етиштириб, юқори кўрсаткичлар блан якунладилар. 780 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил етиштирилди, пахта тайёрлаш давлат плани 108 процент қилиб бажарилди.

Колхоз а'золари пахта майдонларига минерал ва маҳаллий ўғит солиб, шудгорлаб қўйдилар. Бу соҳада МТС механизаторлари катта ёрдам бердилар. Пахта майдонларини шудгорлашда айниқса Ўртоқ И. Кропивка бошлиқ трактор бригадасининг механизаторлари юқори кўрсаткичларга эришдилар.

Колхоз а'золари Мактубга жавобан бу йил айниқса мўл ҳосил етиштириш мақсадида ҳайдаб қўйилган ерларни экишга тайёрлаш, кўплаб маҳаллий ўғит тўплаш, суғориш тормоқларини тозалаш ишларини сифатли бажармоқдалар.

— Биз, — дейди колхоз раиси Ўртоқ Бегимқулов, — партиямиз XX с'езднни кўклам экиш кампаниясига тўла тайёрлик блан кутиб олиш учун барча тадбирларни ўз вақтида тўла амалга оширамиз.

Прогрессив метод — мўл ҳосил етиштириш гарови

НОВ (Телефон орқали олинди). Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз а'золари 1955 хўжалик йилини муваффақиятли якунладилар. Колхоз а'золари ўтган йили 1089 гектар ернинг ҳар гектаридан 29,8 центнердан пахта топшириб, давлат планини муваффақиятли бажардилар.

Кеча, колхозчилар Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илғорлари республика кенгашининг қатнашчилари томонидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига юборилган Мактубни радио орқали зўр қувонч блан эшитдилар. Улар Мактубда кўрсатилган тадбирларни ўз колхозларида ҳам тўла қўллашга қарор қилдилар.

Илғор бригада, звеноларнинг бошлиқлари чигитни квадрат-уялаб ва торқаторлаб экишнинг гоят афзалликларини қайд қилмоқдалар.

Колхоз правленеси ва партия ташкилоти илғор колхозчилар блан маслаҳатлашиб, бу йил 200 гектар ерга 60Х45, 150 гектар ерга 50Х50 схемаси асосида чигит экиш тадбирларини амалга ошираётир.

Гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган Сталин номли колхоз пахтакорлари Мактубга жавобан, далага маҳаллий ўғит чиқариш, қишки ишларни пухта ўтказиш учун астойдил курашмоқдалар. Ҳозир 46 та бричка 22 та автокачка ва 10 та арава блан далалардаги махсус жойларга маҳаллий ўғит чиқариб тўпланмоқда.

Шунингдек, райондаги Ворошилов номли, «Коммунизм», Свердлов номли, Ленин номли ва бошқа колхозларнинг а'золари ҳам Мактубга жавобан, бу йилги мўл ҳосилга пухта замин тайёрлаш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Зокиржон Зокиржонович

(ҲАЖВИИ ҲИКОЯ)

Мен Зокиржон Зокиржонович Аҳмаджоновни биринчи кўришдаёқ яхши кўриб қолдим. Ҳай-ҳай нимасини айтасиз, у шундай мулойим, шундай хушмуомала, бунинг устига шундай сертакаллуф йигит эканки, асти қўяберасиз. Тағин гапнинг орасига «жоним блан», «хўп бўлади» деган сўзларни қистириб кетиши ўзига бирам ярашар экан, асти-асти қўяберинг. Зокиржон Зокиржонович барваста, башанг кийиниб юрадиган ва жуда ҳам келишган йигит. Агар уни кўрсангиз ўзингиз ҳам тан берасиз-у шляпа кийишни шунга чиқарган, маданиятни шундан ўрганиш керак экан дейсиз. Мен унинг олдига «нима бўлар экан, бу масала жуда қийин-ку» деган оғир ташвиш, минг мулоҳаза блан таваккал қилиб кириб, унинг олдидан худди қушдай енгил тортиб, мушкулдан қутилгандай бўлиб чиқдим. Отасига раҳмат, асл йигит экан, бунақа одамнинг садағаси кетсанг арзийди.

Мен аслида Зокиржон Зокиржонович Аҳмаджоновнинг олдиларига бир хонага тиқилиб ётган идорамизни бошқа бинога кўчириш масаласида кирган эдим. Зокиржон Зокиржонович менинг «бир укалик қилинг, идорамиз бир хона, ярим ходимларимиз жойсиз, ишида унум йўқ» деган илтимосимни эшитиб:

— Жоним блан, хўп бўлади. Яхши бўлмаса, шу ҳафтанинг ичида уч хонали жой топиб берамиз, — дедилар.

Бу хушхабарни эшитган ходимларимиз уч хонали бинога қандай жойланиш ҳақида режалар тузабошладилар. Идора бошлиғимизни айтмайсизми, неча вақтдан бери ҳал қилолмаган бу, мушкул масаларни бундай осон ва шундай тез ҳал бўлишини эшитиб суюниб кетди ва:

— Баракалла, сиз ўзи бир жойга борсангиз ишни тўғриламасдан қайтмайсизда, — деб мақтаб, елкамга қоқабошлади.

Мен ҳам бошлиғимизга Зокиржон Зокиржоновичнинг олдиларига қандай қилиб кирганлигимни, у бир вақтлар менга кўз таниш бўлганлиги учун ўзимга яқин тутиб, «ука» деб гапирганлигимни, гапни ҳам жуда ўрнига қўйиб айтганлигимни бирма-бир сўзлаб бердим. Правардида бошлиғимиз ва'дасида турармикин, деб сўради. Мен қат'ий ишонч блан «Зокиржон Зокиржонович иккита гапирмайдилар» дедим.

Шу кундан бошлаб идора ходимлари олдида менинг обрўйим ошиб кетди. Ўтиб кетаётган бўлсалар бирнима демасалар ҳам, гўё ходимлар «қойил сизга» дегандай кулиб саломлашадиган бўлиб қолдилар. Борган сари мен ўзимни тетикроқ ва ишбилармандроқ ҳис қилабошладим. Идорада ба'зи ишлар «кўчиб олайлик, кейин қиларминз» деб орқага ташланадиган бўлиб қолди.

«Эртага кўчамиз» деган куни мен Зокиржон Зокиржоновичнинг қабулхонасига идора бошлиғимиз блан барвақт кириб бордим. Лекин роса 4 соатдан кейин бизга навбат келди. Биз Зокиржон Зокиржоновичнинг кабинетига кириб борганимизда, у кини бизни ўринларидан туриб қарши олдилар. Олдин бизни ўтиришга таклиф этиб, сўнгра ўзлари ўтирдилар ва очиқ чеҳра блан «келинглар» дедилар. Мен бошлиғимизга «кўрдингизми қандай одам-а» дегандай ма'ноли тикилдим. У ҳам «рост», дегандай сал калласини қимирлатиб қўйди. Зокиржон Зокиржоновичнинг юзларида табассум барқ уриб кетди. Папирос тутатар эканлар ёқимли бир оҳангда:

— Келинглар, эшитаман, — дедилар.

— Узларининг ва'даларига кўра келган эдик, — дедим мен унга мулойимлик блан. Зокиржон Зокиржонович ўйлаб қолдилар, пешоналарининг ўртасида тугунча ҳосил бўлди. Жингалак сочлари папирос тутуни орасида кўринмай кетди. Ниҳоят:

— Қайси масалада? — деб сўрадилар.

Идора бошлиғимиз менга тикилди.

— Бундан бир ҳафта илгари олдингизга келиб, идорамиз учун жой сўраган эдимку!

— Ҳа, ҳа, тўғри, иш кўп-да, хаёлдан кўтарилиб кетипти, кечирасиз. Бу ишни шу ҳафтада albatta тўғрилаб бераман, тузукми? — дедилар-да, стол устидаги календарьга ниманидир ёзиб қўйдилар.

Идора бошлиғи йўлда кетатуриб:

— Ошнангизни на'маси кўп шекилли, — деди.

— Иши кўп одам-да, мингта ташвиш. Кўзингиз блан кўрдингиз-ку, беш минутда йигирма жойдан телефон қилинар экан. Яна ҳам Зокиржон Зокиржоновичнинг боши бутун, кўнгли дар'ё экан, — дедим.

Идорага борганимизда ҳамма бизни ўраб олди. «Кўчамизми?» деган йўғон ва ингичка овозлар жўр бўлди.

— Йўқ, — деди идора бошлиғимиз ишончсиз оҳангда. Мен тошилиб:

— Яна бир ҳафтадан кейин, — деб изоҳ бердим.

Ҳамманинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, кўзи катта-катта очилиб, лаблари чўччайиб «О» ҳарфи ҳосил бўлди.

Бир ҳафтадан кейин Зокиржон Зокиржонович қандайдир кенгашда бўлдилар. Ундан кейин ўзлари кенгаш ўтказдилар. Шундай қилиб, кунларни кунлар, ҳафталарни ҳафталар қувиб ўтаберди. Идора ходимлари менга «Янги идора муборак» деб пичинг қиладиган ҳам бўлиб қолдилар. Бу орада Зокиржон Зокиржонович лечениега кетдилар. Тузалганларидан кейин эса отпускага чиқдилар. Ниҳоят, Зокиржон Зокиржонович отпускадан қайтиб келгач, биз яна у кишининг олдиларига келдик. Зокиржон Зокиржонович аввалгидек сертакаллуфлиқ блан қарши олиб, бизни ўтқаздилар, ҳол-аҳвол сўрадилар, «хўш, эшитаман хизмат?», дедилар. Биз дардимизни айтдик. Лекин яна у кишининг пешоналарида тугунча ҳосил бўлди. Сочлари папиросининг қуюқ тутунида кўмилиб кетди.

— Мана бу ерга ёзиб ҳам қўйган эдингиз-ку, — деб стол календаридан 20 августни олиб Зокиржоновичга кўрсатдим. Унга Зокиржонович бизнинг масалани эмас, «кўмирга машина юбориш керак» деб ёзиб қўйган эканлар.

Биз яна «бир ҳафтадан кейин» деган ва'дани олишга муяссар бўлдик. Анча жаҳлим чиқди-ю, бошлиғимизга бир нима деолмадим.

Бир ҳафтадан кейин қабулхонада қизиқ воқиа бўлди. Бир кини ўтирмасдан ҳадеб у ёқдан-буёққа юрар, ба'зан уҳ тортиб қўярди. Важоҳатидан навбат келгунча ҳам тоқати йўқ, ҳозир кириб Зокиржонович блан тиккама-тикка олишгундай кўринади. Ниҳоят, у бир кишидан «чекадиганингиз борми?» деб сўради. Папирос берастган киши ундан ҳол сўраган эди:

— Э, — деди у қўлини силтаб, — ҳовлим кўчага тушиб бузилиб кетди. Янги участка масаласида роса 1 йил-у 4 ойдан бери шу идорага қатнайман. Оёғимда-оёқ қолмади. Бу кини яланг «хўп бўлади, жоним блан ҳал қилиб бераман» дейди. «Хўп бўлади» блан участка қуриб бўлмас экан, Ма'лум бўлишича ҳамма мана шу «хўп бўлади», «жоним блан»нинг маҳлиёси бўлиб, бехуда вақт ўтказиб юрган экан. Бошлиғимиз менга ма'ноли тикилди. Дарҳол унинг «ўртоғингизнинг на'маси кўпга ўхшайди» деган гапи эсимга тушди.

Ўзимча ўйлар эдим: «ноҳотки Зокиржон Зокиржонович Аҳмаджонов бюрократ бўлса? Шундай сертакаллуф, шундай хушмуомала ва шундай ёқимтой, бировга озор бермайдиган маданиятли йигит бюрократ бўлса? Ҳеч-да, жаҳонда шунақа ҳам бўладими? Бюрократлар қўпол бўлмайдими, шунақа мулойим одами бюрократ дейилса қизиқ бўлади-ку?».

Тўғриси, ҳали мен бюрократларни яхши танимас эканман.

Босит ХАЛИЛОВ.

Янги суғориш системасида чигитни квадрат-уялаб экиш масалаларига доир

Ҳукуматимизнинг янги суғориш усулига кўчиш ва шу муносабат блан экин майдонларини яхлитлаштириш тўғрисидаги қарорининг амалга оширилаётганлиги, суғориладиган деҳқончилик ишлабчиқаришининг юқори босқичга кўтарилаётганлигини, механизациядан тўла фойдаланиб, меҳнат унумининг оширилаётганлиги, суғориладиган ер майдонларидан энг кўп фойдаланиш мумкинлигини кўрсатаётир. Шунинг учун янги суғориш усули суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини янада юксалтириш учун муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Совет ҳукумати ва Коммунистик партия қишлоқ хўжалигимизни янги техника блан тобора кўпроқ қуроллантираётирлар. Трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари борган сари такомиллаштирилиб, уларни ишлатишда сарф этиладиган материал ресурслар тежалмоқда — иш нархи арзонлашмоқда. Ҳозирги ҳайдов ва чопиқ тракторлари арзон ёнилғи блан юргизилаётганлигига қарамай, бир сменада 10—15 гектар ердаги ишни бажариб бермоқда. Бу хил техникадан фақат янги суғориш усулига ўтилгандагина унумли фойдаланиш мумкин. Бунинг учун суғориш участкаларини яхлитлаштириш блан бирга, уларнинг шаклини ҳам тўғрилаш талаб этилади. Шундагина техникадан тўла ва унумли фойдаланиш, янги агротехникани тўғри жорий қилиш мумкин бўлади. Брок, янги суғориш усулига кўчиш ишлари жуда секинлик блан бораётир. Масалан, 1955 йил 1 январьдаги ма'лумотга қараганда, областимиздаги суғориш участкалари ўртача қатталиги ҳали ҳам 10,1—10,7 гектарга тўғри келади.

Ма'лумки, ғўзани квадрат-уялаб ўстиришда қатор ораларини иккитомонлама ишлаш қўзда тутилади. Бунда суғориш участкасининг тўғри шаклда бўлиши блан бирга, гонларнинг (тракторнинг бориб-келиш йўли) узун бўлиши ҳам талаб этилади. Шунга ўхшаш суғориш участкаси яхши текисланган бўлиши ҳам зарур.

Янги суғориш усулига ўтишнинг дастлабки натижалари бу тадбирнинг ғоят фойдали эканлигини кўрсатаётир. Масалан, областимизнинг икки колхозидаги қилинган-ишларни кўрсатиб ўтайлик. Ўрнини экишдан олдин яхши тайёрланиши зарур. Ма'лумки, квадрат аниқликни талаб қилади. 1955 йилда ба'зи жойларда ер чигит экишга яхши тайёрланмаганлиги учун квадратдаги кўндаланг қаторлар тўғри бўлиб чиқмади. Бу майдонларда ғўза қатор ораларини кўндалангига ишлаш ҳам мумкин бўлмади. Шунинг учун ба'зи колхозларда бу йил чигитни тўғриқаторга экиб, кейиндан машина блан кўндалангига яганалаш кўзда тутилмоқда. Аммо 1955 йил тажрибаси чигит тўғриқаторлаб экилганда, ҳар гектар ерга 110-120 килограммдан чигит сарфланишини, кўп ҳолларда экинни чигит суви бермасдан ундириб олиш қийинлигини, машина блан ягана қилганда ҳамма ерда ҳам уяларда етарли сонда ўсимлик қолмаслигини, натижада уяларга қўшимча чигит экиш зарур бўлиб қолишини кўрсатди. Шу блан бирга, ўтган йил тажрибаси, агар чигит ўлчов сими воситаси блан уялаб экилганда, ҳар 5-6 сантиметр жойга 6-8-12 дона чигит тушишини ҳамда уруғнинг чигит суви бермасдан, қийгос униб чиқишини кўрсатди. Бунинг натижасида ҳар гектар ерга 55 — 60 процент кам чигит сарфланади, чигит суви бермаслик туфайли ҳар гектар ерга 1000 — 1200 кубометр сув тежалади. Бундан ташқари, суғоришга ҳам 2-3 меҳнат куни ортиқча сарф этилмайди. Ниҳоят, чигит униб чиқиши ҳамоноқ қатор ораларини ишлаш мумкин бўлади.

Чигит шу усулда экилиб ундириб олинганда, ғўзанинг илдизлари яхши ривожланиб, пояси ҳам яхши ўсади. Квадрат-уялаб экиш ғўза қатор ораларини машина блан иккитомонлама ишлашни, суғориладиган ерлан, сувдан, ниҳоят трактор агрегатларидан тўла фойдаланишни кўзда тутади. Бунинг учун суғориш участкалари етарли даражада узун ва кенг бўлиши керак. Брок, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги органлари томонидан тузилган суғориш шохобчаларини қайтақуриш ва участкаларни яхлитлаштириш проектлари, схемалари суғориладиган ерларда техникадан унумли фойдаланиш, ғўза қатор ораларини иккитомонлама ишлашда тракторлар иш унумини ошириш талабларини етарли даражада кўзда тутмайди.

Агар гонлар узунлиги 300 — 350 метр бўлса, тракторлар қайтиши учун иш вақтининг 17,8 процента бекор кетган бўлади. Гонлар 400 метр бўлганда эса 14,4 процент иш вақти йўқолади. Демак, гонларнинг шу хилда узунликда бўлиши тежамли бўлмайди. Тажриба шуни кўрсатаётирки, агар гонлар 1000 метр узунликда бўлса, барча маркадаги тракторлар блан қилинадиган ишлар унуми кескин ошади. Шунинг учун участкаларни яхлитлаштиришда гонлар узунлигининг 700 — 800 ва ҳатто 1000 метрга етказилиши лозим. Участкаларнинг кенглиги 60 — 100 — 120 метрда ўқариқлар очилишини ва бу ариқларнинг чопиқ тракторлари ишлаётганда ҳечқандай халақит бермаслигини кўзда тутиш керак. Шунинг учун ўқариқлар чуқурлиги 20, эни 30 сантиметрдан ошмаслиги керак. Шу хилдаги ўқариқлардан ҳар секундда 20 литр сув оқизилиши ва ҳарбир эгатга 0,1 литрдан сув қуйилганда 200 эгатга сув тараш мумкин бўлади. Агар ўқариқлар қарама-қарши томондан очилиб, сув иккитомонлама ҳайдалса, бирйўла 400 эгатга ҳам сув тараш мумкин бўлади. Бу ҳолда ғўза қатор оралари 50 сантиметр бўлганда, суғориш участкасининг кенглиги 200 метр, қатор оралари 60 сантиметр бўлганда 240 метр бўлиши керак.

Ғўза қатор ораларини иккитомонлама ишлашда техникадан унумли фойдаланиш, ғўза уринчи ҳосили камаймаслиги учун вақтинчалик суғориш ариқларини участкانинг икки томонидан очиш ва бу ариқлар ўрнидан тракторлар қайрилиши учун фойдаланиш ма'қул бўлади. Бу ҳолда суғориш участкасининг кўндалангига 80 — 100 — 120 метр оралатиб 20х30 сантиметр кенгликда бўлган зарур ўқариқлар очилади. Шундай қилиб, участкانинг икки томонида ҳарбирининг сигими 20 литрли 4 та ўқариқ бўлади ва булар орқали бирйўла 800 эгатга сув таралади. Агар участка шу хилда иккитомонлама суғориладиган бўлса, унинг энини юқорида айтилган сондаги эгатлар жойлашадиган қилиб белгилаш мумкин бўлади. Бунда участкانинг эни қатор ораларининг кенглигига боғлиқ бўлади. Агар қатор оралари 45 сантиметр бўлса, участкانинг эни 360 метр, 50 сантиметр бўлса 400 метр, 60 сантиметр бўлса 480 метргача бўлиши мумкин.

Пахтачиликда квадрат-уялаб экишнинг жорий этилиши муносабати блан бригада участкаларининг қандай катталикда бўлиши тўғрисида ҳам масала кўтарилади. Қатор ораларининг иккитомонлама ишланиши натижасида трактор ишлари 33,3 процент ортиб, қўл меҳнати икки марта камаяди. Бу ҳолда ҳарбир колхозчининг нагрузкасини 4 гектарга етказиш мумкин бўлади. Ҳозирги вақтдаги далачилик бригадаларига 70 — 80 гектар ер бириктириб, уларга битта чопиқ трактори ва 20 — 25 колхозчи бўлиши талабга жавоб бермайди. Агар бригадада битта чопиқ трактори бўлганида, суғориш участкаси 20 гектарли бўлса, қатор ораларини узунаси ва кўндалангига ишлашда 2 кун, 30 гектар бўлганида 3 кун, 40 гектар бўлганда 4 кун узилиш бўлади. Орада шу хилда 3-4 кун узилиш бўлавериб ҳосилга зарар етказилади. Оққўрғон районидаги Ворошилов номли колхозда ўтказилган тажрибада қатор ораларини ишлашда 3-4 кун узилиш бўлиши натижасида суғоришда берилган сувнинг 50 процента бутланиб кетганлиги ва ҳосилнинг 20-25 процентни камайганлиги ма'лум бўлди. Бундан ташқари, бригада участкаси 70-80 гектар бўлганида, битта трактор блан қатор ораларини ишлаш ва суғориш эгатлари очишни ўз вақтида бажариш мумкин бўлмайди. Бунинг устига ҳар 6-7 кунда культиватор иш органларини ўзгартириб туришга тўғри келади. Аммо культиватор иш органларини тез-тез алмаштириб туриш фойдали бўлиб чиқмайди.

Бир трактор блан узунасига, иккинчи трактор блан кўндалангига культивация қилиш тўғрисидаги таклифлар ҳам унчалик мақбул эмас, чунки кўндалангига культивация қилишдан олдин узунасига культивация қилиб олиш зарур бўлади. Агар шундай қилинмаса, кўндаланг культивация қилаётган трактор кўп силкинади, натижада иш унуми камаяди.

Қатор оралари биртомонлама ишланганда, бир кетмончи кунига 0,12-0,15 гектар ерни чопиқ қилади. Қатор оралари иккитомонлама ишланганида фақат ғўзани букетлаш ва бегона ўтларни чопиб ташлаш учунгина қўл меҳнати талаб этилиб, бунда ҳарбир киши кунига 0,25-0,30 гектар ерни ишлаши мумкин бўлади. Шунда бир кетмончи 15 кунда 4 гектар ердаги ғўзани парвариш қилади. Демак, 150 гектар ердаги ғўзани парвариш қилиш учун 38 колхозчи ва 8 сувчи керак бўлади. Сувчилар бригаликда бир вақтнинг ўзида бутун бир суғориш участкасини сувдан чиқарадилар, натижада чопиқ тракторларининг тўхтовсиз ишлаши та'мин этилади.

Бригада участкаси шу хилда ташкил этилганда, чопиқ тракторлари ва колхозчиларнинг иш унуми ошади, суғориш блан қатор ораларини ишлаш ўртасида узилиш бўлмайди, ғўза парвариши сифатли ўтказилади, мўл ҳосил етиштирилади.

К. НУРМАТОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

Совет делегациясининг Германия демократик Республикасида бўлиши

ВЕЙМАР, 7 январь. (ТАСС) Германия Демократик Республикаси президенти Вильгельм Пикнинг 80 йиллиги байрамида қатнашган совет делегациясининг раҳбари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов ҳамда делегация а'золари П. Н. Поспелов ва Г. М. Пушкин кеча Германия Демократик Республикаси бўйлаб саёҳат қилдилар.

ГБСП Марказий комитетининг секретари П. Вандель, давлат хавфсизлиги министри Э. Вольвебер, ГДР президенти шахсий канцеляриясининг раҳбари О. Винцер совет делегациясига ҳамроҳ бўлиб бордилар.

Эрта блан совет делегацияси Веймар шаҳрига келди. Шаҳарнинг СССР ва ГДР давлат байроқлари блан безатилган вокзалолди майдонида Веймарнинг неча минглаб аҳолиси Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни кутиб олди.

Вокзалолди майдонида бўлган митингда ГБСП Эрфурт округ правлениесининг биринчи секретари Г. Кифердт меҳнаткашлар номидан совет делегациясига қарата қизғин табрик сўзлари айтди.

Шундан кейин, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов сўзлади. Унинг нутқи гулдурос, давомли қарсаклар блан ва «ура!», «Дўстлик», «Фрейндшафт!» деган табрик хитоблари блан кўп марта бўлиниб турди.

Ўртоқ К. Е. Ворошилов Германия Демократик Республикасининг президенти, немис меҳнаткашларининг отоқли йўлбошчиси, Совет Иттифоқининг содиқ дўсти Вильгельм Пикнинг юбилей байрамида қатнашган совет делегациясини самимий, қардошларча кутиб олганликлари учун шуерда ҳозир бўлган кишиларга чин кўнгилдан қизғин ташаккур билдирди. Ўртоқ К. Е. Ворошилов немис халқининг тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун, бирлашган, демократик ва тинчликсевар Германияни вужудга келтириш йўлидаги курашда немис халқининг таянчи бўлган Германия Демократик Республикасини янада мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашида янгидан-янги муваффақиятларга эришувини тилади. Ўртоқ К. Е. Ворошилов Совет Иттифоқи немис халқини унинг тинчлик ва прогресс учун олиб бораётган адолатли курашида қўллаб-қувватлайди, деб уқтириб ўтди. К. Е. Ворошилов ўз нутқини тинчлик шарафига, ГДР меҳнаткашлари шарафига, ГДР президенти Вильгельм Пик шарафига, ГБСП шарафига ва немис ҳамда совет халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик шарафига табрик хитоблари блан тамомлади.

Майдонда қарсаклар ва кучли «ура» садолари янграйди. «Дўстлик!», «Фрейндшафт!» сўзлари баралла такрор-такрор айтилади. Совет делегациясига гулдасталар тақдим этилди. Митинг герман-совет дўстлигини кўрсатган ёрқин намойишга айланди.

Совет делегацияси ўтган кўчаларда шаҳарнинг минг-минглаб аҳолиси меҳмонларни самимий табриклади.

Совет делегацияси собиқ Бухенвальд концентрацион лагерига борди. У — фашистларнинг энг муҳиш ажал лагерьларидан бири бўлиб, гитлерчилар бу лагерьда 56 мингдан ортиқ кишини, шу жумладан минглаб совет кишиларини ўлдирган эдилар.

Собиқ лагерь территориясида совет делегациясини немис меҳнаткашлари — корхоналардаги жанговар группаларнинг а'золари ва жамоатчилик вакиллари кутиб олдилар.

1944 йил 18 августда немис меҳнаткашларининг йўлбошчиси Эрнст Тельман гитлерчилар томонидан ўлдирилган жойга совет делегацияси гулчамбар қўйди.

Ўртоқ К. Е. Ворошилов ва делегация а'золари музейни тамоша қилдилар. Бу музейдаги экспонатлар собиқ Бухенвальд концентрацион лагерида эсэсчиларнинг қилган ёвузликларини, шунингдек немис ишчилар синфининг фашизмга қарши олиб борган курашини тасвирлайди.

Совет делегацияси Веймарга қайтиб келиб, шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини тамоша қилди. Ўртоқ К. Е. Ворошилов ва делегация а'золари Веймардаги қадимий қабристонда бўлдилар ва немисларнинг улуғ шоирлари ҳамда мутафаккирларидан Гёте ва Шиллернинг қабрларига гулчамбар қўйдилар. Гулчамбарга қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Немисларнинг улуғ шоирлари ва ватанпарварлари Иоганн Вольфганг Гётега ва Фридрих Шиллерга. Совет ҳукумат делегациясидан, 1956 йил 6 январь».

К. Е. Ворошилов ва делегация а'золари Гётенинг уй-музейига бордилар. Бу ерда музей директори Х. Хольцхауэр меҳмонлар, га ҳамроҳ бўлиб, уларга изоҳлар бериб турди. Ўртоқ К. Е. Ворошилов музейни тамоша қилгандан кейин, самимий кутиб олганликлари учун ва улуғ Гётенинг ҳаётини тасвирловчи экспонатлар ҳамда ҳужжатларни жуда яхши сақлаётганликлари учун музей ходимларига совет делегацияси номидан ташаккур изҳор қилди.

Совет делегацияси Гётенинг уй-музейига келучилар ўз фикрларини ёзиб қолдирадиган дафтарга қуйидаги сўзларни ёзди: «Биз Германиянинг улуғ миллий шоири Иоганн Вольфганг Гётенинг уй-музейини кўриш имкониятига эга бўлганлигимизда хурсандмиз. Совет кишилари Гётени немисларнинг геннал шоири ва ватанпарвар сифатида ғоят қадрлайдилар. Гёте немис миллий маданияти ва жаҳон маданияти хазинасига жуда катта ҳисса қўшган эди ва ўз ватанининг бирлиги ҳамда тинч юксалишини астойдил орзу қилган эди».

Шундан кейин, совет делегацияси Фридрих Шиллернинг уй-музейига ва улуғ композитор Листнинг уй-музейига борди.

Совет делегацияси Шиллернинг уй-музейига келучилар ўз фикрларини ёзиб қолдирадиган дафтарга қуйидаги сўзларни ёзди: «Немисларнинг улуғ шоири, ватанпарвар ва гуманист Фридрих Шиллернинг номи совет халқига, бутун илғор инсониятга ма'лум ва қадрлидир. Шиллер ўзининг ажойиб прогрессив ижоди блан немис ва жаҳон маданияти хазинасига буюк ҳисса қўшди».

Совет делегацияси улуғ рус шоири А. С. Пушкин туғилган куннинг 150 йиллиги муносабати блан 1949 йилда Гёте паркидаунинг хотирасига ўрнатилган ҳайкални ҳам бориб кўрди.

Шаҳарнинг тарихий жойлари кўриб чиқилгандан кейин, немис дўстларимиз совет делегацияси шарафига зиёфат бердилар. ГБСП Эрфурт округи правлениесининг биринчи секретари Г. Кифердт, Эрфурт округи кенгашининг раиси В. Гебхардт ва Веймар обер-бургомистри Г. Видеман делегацияга салом ва Веймарга келганлиги учун миннатдорчилик сўзлари блан мурожаат қилдилар. Улар ўз нутқларини совет делегацияси шарафига ва унинг раҳбари— СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ К. Е. Ворошилов шарафига, бутун дун'ёда тинчлик иши шарафига ва герман ҳамда совет халқари ўртасидаги бузилмас дўстлик шарафига табрик хитоблари блан тамомладилар.

Ўртоқ К. Е. Ворошилов Веймарда совет делегациясини ғоят самимий кутиб олганликлари учун немис дўстларимизга самимий ташаккур изҳор қилди. Ўртоқ К. Е. Ворошилов шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари блан танишиш имконияти берилганлиги учун ташаккур билдирди.

Эрфурт округининг раҳбар арбоблари совет делегациясининг Веймарга келганлиги хотираси учун делегацияга совғалар тақдим этдилар.

Шундан кейин, совет делегацияси Веймардан Иенега жўнаб кетди. Делегация буерда оптика асбоблари заводи «Цейс»га борди. Завод директори Г. Шраде ва корхонанинг ёш аёл ишчиларидан бири совет меҳмонларини завод коллективи номидан табриклашдилар.

К. Е. Ворошилов дўстона кутиб олганликлари учун корхона вакилларига самимий ташаккур изҳор қилди.

Совет делегацияси заводнинг кўп цехларини бориб кўрди ва детальларни дастлабки ишлашдан тортиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бирқанча буюмларни ишлаб чиқариш процесси блан танишди. К. Е. Ворошилов ёш ишчилар блан ва корхонанинг ветеранлари блан, ишчи хотин-қизлар ҳамда корхонанинг раҳбарлари блан суҳбат қилди.

Завод кўриб чиқилганидан кейин, завод ҳовлисида кўпкишилик митинг ўтказилди. Совет делегациясининг раҳбари Ўртоқ К. Е. Ворошилов трибунага чиққанида, митинг қатнашчилари уни гулдурос, давомли қарсаклар ва табрик хитоблари блан кутиб олдилар.

ГБСП Гера округи правлениесининг биринчи секретари Г. Глазер завод ишчилари номидан совет делегациясига қарата нутқ сўзлади. У, корхонага келганликлари учун совет меҳмонларига ташаккур билдирди ва немис халқининг Совет Иттифоқи халқларига самимий дўстлик туйғуларини изҳор қилди.

Митинг қатнашчилари совет делегациясининг раҳбари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошиловнинг нутқини зўр иштиёқ блан тингладилар. К. Е. Ворошиловнинг нутқи гулдурос қарсаклар блан қайта-қайта бўлиниб турди.

Ўртоқ К. Е. Ворошилов митинг қатнашчиларининг қарсаклари остида «Цейс» заводининг меҳнаткашларига ва улар орқали Германия Демократик Республикасининг барча меҳнаткашларига совет делегацияси номидан қизғин, дўстона салом топшириб, бундай деди:

Ўртоқ К. Е. Ворошилов нутқи

Совет делегацияси Германия Демократик Республикасининг Президенти қадрли Ўртоқ Вильгельм Пик туғилган куннинг 80 йиллигига бағишланган тантаналарда бутун немис халқи блан биргаликда қатнашиш учун Германия Демократик Республикасига келди. Бутун совет халқи Ўртоқ Пикнинг немис халқи ва халқаро ишчилар ҳаракати олдида қилган хизматларини яхши билади ва ғоят қадрлайди. Биз бутун совет халқи номидан Ўртоқ Вильгельм Пикка сиҳат-саломатлик ва Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг ҳамда бутун немис халқининг бахт-саодати йўлида унинг бундан буён ҳам самарали ишлашини тилаймиз.

Германия революцион ҳаракатининг энг яхши саҳифалари Эрнст Тельманнинг жанговар сафдоши Ўртоқ Пикнинг номи блан боғланган. Немис меҳнаткашларининг буюк тарихий галабаси — Германия тарихида биринчи ишчи-деҳқон давлатининг, я'ни Германия Демократик Республикасининг вужудга келтирилганлиги ҳам унинг номи блан боғланган. **(Гулдурос қарсаклар).**

Германия Демократик Республикасининг ташкил топиши Германиянинг тараққиётида янги тарихий даврга асос қўйди. Герман халқининг энг яхши фарзандлари ана шу янги тарихий даврни орзу қилиб келган эдилар ва ана шу даврта эришиш учун курашиб келган эдилар.

Германия Демократик Республикасининг ишчилар синфи Германия Бирлашган социалистик партиясининг раҳбарлиги остида, демократик Германия миллий фронтига бирлашган барча партия ва ташкилотлар блан маҳкам ҳамкорлиқ қилган ҳолда меҳнаткаш деҳқонлар блан иттифоқ бўлиб ва интеллигенция блан ҳамкорлиқда республикада буюк социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширди ва социализм асосларини қуришга киришди.

Ўртоқ К. Е. Ворошилов Германия Демократик Республикасининг хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида катта муваффақиятларга эришганлигини ва, жумладан, «Цейс» корхонасининг муваффақиятларини та'кидлаб, яна қуйидагиларни айтди:

Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг эришган муваффақиятлари ГДР ишчилар синфининг ғоят катта куч ва катта имкониятларга эга эканлигини исбот қилади. Германия Демократик Республикасининг ишчилар синфи янги ҳаёт қуриш соҳасида ўзининг авангардлик релини шараф блан бажаражагига ғоят аминмиз. **(Қарсаклар).** Ҳозирги вақтда сизлар муваққат қийинчиликларга дуч келаётган бўлсангиз ҳам бунинг сабаби тамомила аёндир. Ма'лумки, эскилик жангсиз ўз ўрнини бўшатиб бермайди, эскилик янги ва илғор нарсаларнинг ривожланишига бутун кучи блан ҳалақит беришга уринади. Бу, жамият тараққиётининг қонунидир. Аммо, ана шу муваққат қийинчиликлар Германия Демократик Республикасида социализм асосларини қуриш иши тантана қилажагига бўлган ишончингизни сусайтираолмайди ва сусайтирмаслиги керак. Шу муносабат блан Ўртоқ К. Е. Ворошилов совет халқи ҳам Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида катта қийинчиликларни бошидан кечирганлигини, аммо, совет халқи бу қийинчиликларни муваффақиятли суратда бартараф қилганлигини ва ҳозирги вақтда зўр ишонч блан коммунизм қуриш йўлидан олга бораётганлигини эслатиб ўтди.

Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари, деди Ўртоқ К. Е. Ворошилов, якка эмаслар. Совет Иттифоқининг, халқ демократияси мамлакатларининг халқлари, тинчлик, демократия ва социализмнинг қудратли ва енгилмас лагери сизлар блан биргадир. **(Гулдурос қарсаклар).** Сизларнинг муваффақиятларингиз бутун тинчлик лагерининг муваффақиятларидир. **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Совет халқи немис халқининг ўз ватани бирлигини тиклаш йўлидаги интилишини тамомила ма'қуллайди ва астойдил қўллаб-қувватлайди. Ма'лумки, Совет ҳукумати Германия масаласини немис халқининг манфаатларини ҳам, Европада хавфсизликни та'минлаш манфаатларини ҳам кўзлаб ҳал этишга доим интилиб келди. Бу нарса ташқи ишлар министрларининг Женева кенгашида совет делегацияси томонидан киритилган конкрет таклифларда ўзининг ёрқин ифодасини топди. Биз Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг, Германияни қайтадан бирлаштириш Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари эришган ғалабаларга путур етказиш йўли блан ўтказилмаслиги керак, деган баёнотига тамомила қўшиламиз. Ғарб давлатлари тинчликсевар, демократик, мустақил Германия давлатини вужудга келтириш манфаатларига тамомила зид бўлган бутунлай бошқача йўлни ҳимоя қилмоқдалар. Уларнинг таклифлари ҳақиқатда империалистик Германияни қайтадан тиклашга, Германиянинг ҳамма қисмида йирик монополиячилар, юнкерлар ва милитаристлар ҳукуморнлигини қайталан вужудга келтиришга. Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари курашиб кўлга киритган демократик ва социал ислоҳотларни ҳамда эркинликларни тугатишга олиб боради.

Бирлаштирилган Германияни ғарб давлатларининг ҳарбий гуруҳларига қўшишни хоҳлайдилар. Бирлаштирилган Германияда милитаристларнинг ҳокимият тепасига келиши янги уруш хавфини кучайтирган бўлур эди. Совет Иттифоқи ҳам, Европадаги бошқа мамлакатлар ҳам бунга рози бўлаолмайдилар. Шу сабабдан, биздан Совет Иттифоқига ва бошқа тинчликсевар давлатларга қарши қаратилган ҳарбий блокни ўз қўлимиз блан кучайтиришга рози бўлишни, талаб қилиш мумкин эмас.

Биз Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг, Германия Демократик Республикаси блан Германия Федерал Республикаси ўртасида бамаслаҳат бир битимга келиш, мавжуд герман давлатларини бирбирлари блан яқинлаштириш ва улар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш — Германияни қайтадан бирлаштириш тўғрисидаги масалани ҳал қилишнинг бирдан-бир реал йўлидир, деган фикрига тамомила қўшиламиз. **(Қарсаклар).**

Германияни бирлаштириш иши, даставвал, немисларнинг ўз ишидир. **(Гулдурос қарсаклар).**

Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш — Германияни бирлаштириш учун ташқи сиёсий заминдир. **(Қарсаклар).** Ҳозирги вақтда Европада коллектив хавфсизликни та'минлаш энг муҳим масаладир. Европа ва бутун дун'ё халқлари бу масаланинг ҳал этилишини кутмоқдалар. Бунинг сабаби тамомила аён. Ахир, урушлардан ҳаммадан кўра Европа халқлари кўпроқ зарар кўрди-ку. Ма'лумки, агрессив давлатлар иккинчи жаҳон урушини осонлик блан бошлай олган эдилар, чунки Европада коллектив хавфсизлик системаси вужудга келтирилмаган эди, дун'ёдаги тинчликсевар халқларнинг бирлик фронти агрессорларга қарши қўйилмаган эди. Ҳозирги вақтда ҳар иккала немис давлатининг иштироки блан Европада самарали ҳавфсизлик системасини вужудга келтириш учун барча имкониятлар бор. Немис халқи тинчликнинг сақланишидан, масалан, Француз, инглиз халқлари, ёки Европадаги бошқа бирон халқ блан баравар даражада манфаатдордир. Шу сабабдан, немис меҳнаткашлари Ғарбий Германиянинг ҳарбийлаштирилишига қарши ва унинг ғарб давлатлари агрессив блокларида иштирок қилишига қарши қаттиқ кураш олиб бормоқдалар. Бу курашда уларни дун'ёдаги барча тинчликсевар кучлар қўллаб-қувватламоқдалар.

Германия Демократик Республикаси ҳукумати Европада коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш идеясини қўллаб-қувватламоқда ва тинчликни сақлаш ҳамда барча мамлакатлар блан дўстона муносабатларни ривожлантириш сиёсатини изчиллик блан амалга ошириб келмоқда. Бунинг натижасида Германия Демократик Республикасининг халқаро миқ'ёсдаги обрўси ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда, унинг халқаро майдондаги алоқалари мустаҳкамланмоқда. Ҳозирги вақтда ба'зи капиталистик мамлакатлар Германия Демократик Республикасини танимасликка ва у блан дипломатия муносабатлари ўрнатмасликка уринаётган эканлар, бу — муваққат бир ҳолдир, холос.

Ба'зи империалистик давлатлар Совет Иттифоқини ҳам узоқ вақт танимасликка уриниб келган эдилар. Аммо, улар бизни енгиш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилганларидан кейин, Совет Иттифоқи блан муносабатларни нормаллаштиришга мажбур бўлдилар. Капиталистик мамлакатлар Германия Демократик Республикасини ҳам таниб қолгадиги кун узоқ эмас. **(Гулдурос, давомли қарсаклар),**

Совет халқи Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларининг барча муваффақиятлари блан астойдил қувонмоқда. «Цейс» заводи коллективининг, Германия Демократик Республикасидаги барча меҳнаткашларнинг ижодий меҳнатда, тинчлик учун, Германиянинг бирлиги учун, социализм учун курашда янгидан-янги катта муваффақиятларга эришишларини тилашга ижозат бергайсиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Яшасин Германия Демократик Республикасининг президенти Ўртоқ Вильгельм Пик! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Яшасин Германия Демократик Республикаси ҳукумати! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Яшасин Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашлари! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Германия ва совет халқлари ўртасидаги қардошларча бузилмас дўстлик яшасин ва мустаҳкамлансин! Фрейндшафт! **(Гулдурос, давомли қарсаклар, «ура!» хитоблари. Митинг қатнашчилари «Дўстлик!», «Фрейндшафт!» деган сўзларни баралла такрор-такрор айтадилар).**

Шундан кейин корхона бош илмий бўлимининг бошлиғи, Миллий мукофот лауреати П. Герлих совет делегациясига, делегация раҳбари СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошиловга қарата нутқ сўзлади. У, заводга келганликлари хотираси учун К. Е. Ворошиловга микроскоп тақдим этди.

Герман-совет дўстлигининг ёрқин намойишига айланган митинг «Дадил оёққа қолқинг, ўртоқлар!» деган революцион қўшиқни айтиш блан тамом бўлди.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. Е. Ворошилов бошчилигидаги совет делегацияси а'золари кеча кечқурун Лейпциг шаҳрига келдилар. Шаҳар меҳнаткашлари совет делегациясини самимий кутиб олдилар.

Шу кунларда нималарни овлаш мумкин?

Ўзбекистон ўзининг хилма-хил ўсимликлари блангина эмас, хилма-хил ҳайвонлари блан ҳам машҳурдир.

Республикамизда ўрдак, какликлар, туволоқ, ёввойи ғоз ва тустовуқлардан тортиб беданагача, йўлбарс, жайран, тўнғиз, тулки, бухоро бугисидан тортиб андатра ва юмронқозиқларгача учратиш мумкин.

Бу парранда ва ҳайвонларнинг ҳаммаси республикамизнинг табиий бойликларидир. Табиий бойликларни сақлашда республикамиз меҳнаткашлари ғамхўрлик қилишлари керак. Чунки, бошқа ерости ва ерусти табиий бойликлари сингари ҳайвонот бойликлари ҳам халқ бойлиги ҳисобланади. Айниқса бу бойликларни сақлашда овчиларимиз зиммасига катта мас'улият юкланади.

Дам олиш кунлари эрталаб Тошкент атрофидаги йўлларда ҳаваскор ва мутахассис овчиларни учратиш мумкин. Улардан ба'зибирлари мотоцикл устида елкаларига милтиқ ва ов халталарини осган ҳолда Паркент ва Охангарон томонларга каклик овига борадилар, ба'зи бировлари эса Сирдар'ё ва Мирзачўл районлари томонга ёввойи ўрдак ва ёввойи ғозни овлашга борадилар .Ба'зи овчилар эса балиқ овлашга чиқадилар.

Ўзбекистон территориясининг ҳамма жойида ва Жанубий Қозогистон территориясида ов қилган вақтда айниқса овланадиган ҳайвонларга берилган ов муддатини ҳисобга олиш зарур. Ов қилиш муддати ҳамма ҳайвонлар учун ҳам бирдай эмас. Масалан, ўрдакни овлаш 15 августдан 15 мартгача бўлса, какликни овлаш 1 октябрьдан 1 февральгача, чилни 1 сентябрьдан 1 январьгача овлашга рухсат этилади.

Ҳайвонларга келганда ҳам шундай. Тўнғиз ва тулкиларни овлаш 1 сентябрьдан 1 февральгача рухсат этилади. Фақат ов муддатларига э'тибор берилгандагина ҳайвонлар сонини нормал миқдорда сақлаб қолиш мумкин. Бўрини ҳарқачон ҳам отиш, ўлдириш керак. Бунинг учун мукофот ҳам берилади.

Афсуски, кўпчилик овчиларимиз ов муддатига э'тибор бермайдилар, ба'зи қуш ва ҳайвонларни бевақт отишни ўзларига одат қилиб олганлар. Масалан, тустовуқни овлаш республикамизнинг ҳамма территорияларида 1 декабрьдан ман' этилган бўлса ҳам овчиларимиз э'тиборсизлик блан бу парранданн отишни давом этдирмоқдалар.

Шуни ҳам айтиш керакки, ба'зи овчилар овлаш бутунлай ман' этилган жайран, бухоро бугиси, кийик, архар каби ҳайвонларга ўқ узишдан тортинмайдилар. Бу эса, ҳайвонлар сонининг тобора камайиб кетишига сабаб бўлади. Ба'зан бу ҳол айрим ҳайвонларнинг бутунлай йўқолиб кетишига ҳам олиб келади. Бундай ножўя ов қилишлар натижасида республикамизда яшовчи қундуз, андарта каби ҳайвонлар йўқолиб кетган эди. Кейинги беш йил ичида республикамизда Қундуз Амудар'ё ва Сирдар'ёда, Норин дар'ёси соҳилларида учраб турганини овчилар ма'лум қиладилар.

Тошкент ва Хоразм сув ҳавзасида Марказий Россиядан келтирилган андаталар йилдан-йилга кўпаймоқда. Бу ҳайвонларни отиш ман' этилган. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳайвонларни планли ва ўз вақтида овлашда республика кўнгилли овчилар жамиятининг Правлениеси ва унинг областьлардаги бўлимлари Министрлар Советининг ов қилиш ҳақидаги қарорини амалга ошириш учун овчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришлари зарур.

Х. ҲАКИМОВ.

Суратда: Тошкентдаги 107-нчи мактабнинг ўқучиси, биринчи-разрядли **Элеонора Холмуротова** бадиий гимнастика блан шуғулланмоқда.

А. Аверьянов фотоси.

БИР МИЛЛИОН ДОНА ГИШТ ПИШИРИЛДИ

Орджоникидзе районидаги Маленков номли колхозда ўтган йили май ойида янги гишт заводи қурилиб, ишга туширилган эди. Ярим йил давомида пиширилган бир миллион гиштдан колхозда бир мактаб, типовой сигирхона ва чўчқахона бинолари қурилди.

Заводда 1956 йилда ҳам кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун астойдил ҳаракат қилинмоқда.

ТОШКЕНТ БИРИНЧИЛИГИ УЧУН ШАШКА МУСОБАҚАСИ

Шаҳар биринчилиги учун шашка мусобақасининг ўнинчи тури тамом бўлди. Ун турнинг ҳаммаси ҳам қизғин кураш вазиятида ўтди. Турнир жадвалининг олдида СССР спорт мастери Б. Канишчикер бормоқда. У ўнинчи турда Полоусов, Чиранния, Кац, Ханис, Кагаловский, Штернлар устидан ғалаба қозонди, Хасанов, Давидовлар блан бўлган ўйинни дуранг қилди. Шундай қилиб, Канишчикер 8 имкониятдан 7 очкога эга бўлди. СССР спорт мастери Ш. Еқубов 5 ўйинни ютиб, 4 ўйинни дуранг қилди. Натижада 9 имкониятдан 7 очко олди. Учинчи ўринда мастерликка кандидат С. Давидов бормоқда. У, 8 имкониятдан 6 очкога эга. Мастерликка кандидат И. Берштейн ҳам 7 имкониятдан 5,5 очко олиб, анча яхши ўйнамоқда. Тошкент шаҳрининг ўтган йилги чемпиони С. Гуляев 7 имкониятдан 5 очкога эга бўлди.

Мусобақа 14 январьгача давом этади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да кундуз **Гамлет**, кечқурун **Оғриқ тишлар**, 9/I да кундуз ва кечқурун **Қутлуғ қон**, 10/I да кундуз **Оғриқ тишлар**, кечқурун **Чин муҳаббат**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да кундуз **Иван Сусанин**, кечқурун **Боқчасарой фонтани**, 9/I да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Кармен**, 10/I да кундуз **Бахт соҳили**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 8/I да кундуз **Муқимий**, кечқурун **Азиз ва Санам**, 9/I да кундуз **Азиз ва Санам**, кечқурун **Фарҳод ва Ширин**, 10/I да кундуз **Фарҳод ва Ширин**, кечқурун **Нурхон**.

«РОДИНА» — кундуз ва кечқурун **Адрес эгасини қидириб**, кундуз соат 12 ва 4 да **Казак Голота ҳақида қисса**.

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10 да **Москвада Улуғ Октябрь 38 йиллиги байрами**, кундуз соат 12 дан кеч 5 гача **Адрес эгасини қидириб**, кеч соат 5—40 минутдан **Умид соатлари**.

«ИСКРА» — эрталаб соат 9 — 40 минутдан кундуз соат 3 гача **Васёк Трубачёв ва унинг ўртоқлари**, кундуз соат 3 дан **Умид соатлари**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — Эрталаб соат 9 дан 11 гача **Гўзал Василиса**, кундуз соат 1 ва 3 да **Адрес эгасини қидириб**, кеч соат 5 дан **Қонли йўл**.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
8 январьда
КАТТА
Концерт

Концертда: Ўзбекистон халқ ҳофизи **Ма'муржон Узоқов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Мар'ям Тўхтаева, Муҳамаджон Мирзаев**, эстрада солистлари **Назрулла Еқубов, Зулайхо Муллақандова, Раббимжон Ҳамдамов** ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
ЛИТВА ЦИРК КОЛЛЕКТИВИНИНГ
ГАСТРОЛЬЛАРИ
ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИ.
АТТРАКЦИОН—ИЙРТҚИЧ ҲАЙВОНЛАР.
Ўргатучи—Литва ССРда хизмат кўрсатган артист **А. Кличес.**
МАЙМУНЛАР.
Ўргатучи — **В. Моляров.**
Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!
„Совет Ўзбекистони маданияти“
НОМЛИ ЯНГИ ГАЗЕТАГА
1956 йил февраль ойидан йил охиригача
ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА
Обуна алоқа бўлимлари ва агентликларида, «Союзпечать» бўлимларида, фабрика-завод ва бошқа ташкилотлардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

СОВЕТ-ЮГОСЛАВИЯ САВДО МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР

СССР ҳукумати ва ЮФХР ҳукумати делегациялари ўртасида иқтисодий масалалар юзасидан олиб борилган музокаралар тўғрисида 1955 йил 1 сентябрьда тузилган Протоколга мувофиқ, 1956 йил 6 январьда Белградда СССР блан ЮФХР ўртасида 1956 йилги товар обороти тўғрисида Протокол имзоланди.

Протокол СССР блан ЮФХР ўртасида товар оборотини янада оширишни кўзда тутади.

1956 йилда ҳар қайси томоннинг бирбирига етказиб берадиган товарларининг қиммати 1955 йил 1 сентябрьда тузилган мазкур Протоколда белгиланганидек камида 35 миллион доллари ташкил этади.

Совет Иттифоқи 1955 йилда Югославияга кокслануччи кўмир, пахта, нефть, сули, сун'ий ўғитлар, марганец руداси, прокат, рангли металлар, машиналар, асбоб-ускуналар ва ЮФХРнинг халқ хўжалиги учун зарур бўлган бошқа товарларни етказиб беради.

Югославия Совет Иттифоқига тамаки, пенька, олхўри, гўшт, боксит, қўрғошин, цемент, жун газлама, кўн-тери, пойафзал, турли химикатлар, ёғочдан ясалган буюмлар ва бошқа товарлар етказиб беради.

Протоколни Совет томонидан СССРнинг ЮФХРдаги Савдо вакили Я. И. Красюк, Югославия томонидан Элчи ва Ташқи ишлар бўйича давлат секретариатининг Давлат маслаҳатчиси Стане Павлич имзоладилар.

СОВЕТ ОЛИМЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ХИТОЙДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

ПЕКИН, 6 январь. (ТАСС). Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ишлаётган совет олимлари делегацияси Пекиндан ватанига жўнаб кетди. Совет олимлари Хитой Халқ Республикасида бўлган вақтида хитой мутахассисларини совет фанининг ютуқлари блан таништирдилар ва атом энергиясини саноатда, қишлоқ хўжалигида, медицинада, илмий тадқиқотларда қўлланиш тўғрисида 54 лекция ўқидилар.

Англия олтин ва доллар запасларининг аҳволи

ЛОНДОН, 6 январь. (ТАСС). Англия марказий информация бюроси (ЦБИ) Англия олтин ва доллар запасларининг аҳволи тўғрисида «Дейли телеграф энд Морнинг пост» газетаси босиб чиқарган мақолани э'лон қилди. Газета бундай деб ёзади: «Олтин ва доллар запаслари 1955 йилда 642 миллион доллар камайди ва ҳозирги вақтда 2.120 миллион доллари ташкил этади». Газета, «кризиснинг олди олинди, аммо биз аҳволни яхшилашнинг кенг йўлига ҳали чиқиб олганимиз йўқ» деган хулосани чиқаради.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135, Саноат ва транспорт бўлими — 132. Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р 01303. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1346.